

Ҳозирга кунда Ўзбекистонда 3 миллионга яқин пенсионерлар истиқомат қилмоқда. Улардан 45 мингдан зиёди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 38 мингга яқини ёлғиз ногирон қариялар, 365 мингдан ортиғи фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 3600 нафари юз ва ундан юқори ёшдаги отахон ва онахонлардир.

(3-БЕТ)

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 18

(281)

YURIDIK GAZETA

May				
D.	5	12	19	26
S.	6	13	20	27
Ch.	7	14	21	28
P.	1	8	15	22
J.	2	9	16	23
Sh.	3	10	17	24
Ya.	4	11	18	25

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

## «ҚУЛАНКАСИ МАЙЛОН» РАИС

Мансаб ҳар қимга насиб этавермайди. Амал курсисига ўтириб, кимнингдир обрусига обрў қўйилади, кимдир мансабни уdda қилолмай шармисор бўлади.

Чондирлик Даврон Отахоновга ҳам Аллоҳ амал берди. У бу амал билан Баҳористон туманидаги Амир Темур номили ширкат ҳўжалигига қарашли жойларни ва қишлоқ одамларининг кўнглини обод қилиш имконини қўлга киритган эди. Бирок фаний дунёда савоб ишлар қилиш ўрнига мол-дунёга берилиб, босар-тусарини билмай «зарар-қунанда»га айланди-қолди.

4-бет

## 9 май — *мелница ва мадраса кўни*



### ТОШКЕНТ ФОРУМИ

4-5 май кунлари Тошкентда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманда икки минг нафардан зиёд меҳмонлар иштирок этди. Улар орасида 5 та мамлакат президентлари, 6 та давлатнинг Бош вазирлари, 34 нафар иқтисодиёт вазири, 22 нафар вазир ўринбосари, 600 дан зиёд бизнесмен, 125 та нодавлат ташкилотларининг раҳбарлари, 300 га яқин сармоядорлар бор.

59 та давлатдан келган 61 делегация таркибини дунё миқёсида тан олинган юзлаб банкирлар, кўзга кўринган иқтисодчилар, мутахассислар ва тадбиркорлар ташкил этди.

(ЕТБнинг Тошкент форуми ҳақида газетамизнинг кейинги сонида батафсил маълумот берамиз)



### В

Прокуратура ходимлари воқеа жойига етиб келишганга чамаси ўн дақиқалар бўлди. Тезда ишга киришган ходимлардан бири жасадини кўриб қолган йиғитдан ниманидир суриштирар, бошқаси мурданинг шахсини аниқлаш мақсадида унинганхор бўйида турган машинасидан ҳўжатларни кидирарди.

6-бет

## КЎЗГУДАН ЎШКАЛАМАНГ

...антиквар буюмлар билан савдо қилувчилар матбуотчиларга мурожаат қилиб, асори-атиқа ишқибозларини рамкасига «Луи Арно, 1743 йил» деб ёзилган кўзгунинг ҳеч қачон сотиб олмасликлари лозимлиги тўғрисида оголантиришни сўрашди. Айтишларига қараганда, ушбу кўзгу бино бўлгандан бери қўлдан қўлга ўтиб юрар экан, камиди 38 кишининг умрига зомин бўлган.

7-бет

## ТОНГОТАР ЧОФИДА ЖУДА СОФИНИБ...

«Тошкентда Хадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб, оёқлари ярим километрни паргор қўйиб бир доира чизсангиз, эски Кўрғонтеги, Кўғирмоч, Дегрез, Говкуш ва Девонбегги маҳалларини ичига олган доира ҳосил бўлади».

8-бет

### ✓ XABAR

## КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**БУХОРО.** Ички ишлар бошқармасида вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ва ўғирлик жиноятларига қарши кураш масаласи муҳокама қилинди. Утган йил ва жорий йилнинг биринчи чорағида бундай жиноятлар сонини камайишига эришилган бўлса-да, ҳали имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи М.Ваҳобов 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармон ижроси ҳақида ахборот берди. Мазкур фармонга кўра, қилмишига пушай-

мон бўлган ўспиринлар, аёллар, чет эл фуқаролари, ногиронлар, ёши олти мишдан ўтганлар озод қилинадилар ёки жазони ўташ муддати қисқартирилади.

Бухоро вилоятида 2215 нафар шахсга нисбатан амнистия қўлланиши кўзда тутилганди. Аммо жойларда фармонни татбиқ этиш бўйича қабул қилинган низоом талабларини бузиш ҳолатлари ҳам учради. Биргина мисол. 30 нафар шахсга амнистия нотўғри қўлланилиши сабабли вилоят прокурори томонидан кассация ва назорат тартибидида протест киритилиб, барчаси вилоят судида қаноатлангиларди.

Сўзга чиққанлар жазони ўташ жойларидан озод қилинганларни қвотали иш ўрни билан таъминлаш хусусида ҳам фикр юритдилар. Вилоят бўйича авф этилган 1273 нафар фуқаро

ёшларга берилаётган бугунги тўғри тарбия уларни баркамол инсон қилиб ўстириш гаровидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳўқуқшунос, амалиётчи олим, прокуратура фахрийси Рустам Мухамедов ҳар гал набира-ларини Республика Бош прокуратураси музейига олиб келганида шу ҳақда ўйлайди. Ажабмас келажакда улар ҳам бобосидек етук ҳўқуқшунос бўлиб етишишса, қонун ҳимоячиси номини янада юксак мартабаларга кўтарса.

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат

## Чоршанбадан Чоршанбагача

30 апрель  
Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан НАТО Бош котиби Жорж Робертсон ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

1 май  
Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг-Смнини қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

2 май  
Президент Ислам Каримов Оқсаройда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемьерини қабул қилди.

Олий Мажлисида Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳўқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилди.

3 май  
Мамлакатимизга ташриф буюрган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Бобир СОБИРОВ,  
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

## ЎСЕЙИНГИ СОҶДА

«Битта кўшиқнинг баҳоси қанча?»

**FAOLIYAT**

Бир неча йилдирки, ҳар бир йилни хайрли, эзгу номлар билан аташ анъанага айланиб қолди.

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида: «Халқимиз қариси бор уйнинг париси бор дейди. Ҳақиқатан ҳам қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файзу барака бор. Бундай жойни оллохнинг ўзи асрайди», — деган эди. Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2002 йил «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури қабул қилинди. Юртимизда мазкур дастур асосида қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Кексаларни кадрлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш халқимизнинг энг яхши феъл-аълоқларидандир. Қариялар улугланган жойда эса ҳамisha меҳр-оқибат, одамийлик устувор бўлади.

Бугун мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш жараёнида кексалар ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жамиятни янгилашда, ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялашда ҳурматли қарияларимизнинг тутган ўрни ва хизмати бебаҳадир.

Маълумки, республикамизда кексаларни

Мустақилликнинг илк давриданок мамлакатимизда инсон эрки, ҳақ-хуқуқлари, бахт-саодати олий кадр-ий сифатида эъзозлаб келинмоқда.

ҳида тўхталиб ўтиш лозим. Марказ прокуратура фахрийларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш, прокуратура фахрийларининг моддий шароитини яхшилаш, умумхалқ байрамлари арафасида ва бошқа кунларда прокуратура фахрийларининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш, табриклаш ва бошқа тадбирларни амалга оширади.

Марказ ўз фаолиятини самарали йўлга қўйишда Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Яна шуни таъкидлаш кераки, Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ихтиёрий, ўзини ўзи бошқарадиган, алоҳида ҳисоб рақамига эга, мустақил иш юритувчи нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланади. Айни пайт-

да унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳам худудий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг 200 дан ортқ азёси бор. Фахрийларимизни Янги йил, 8 март ва Наврўз байрамлари арафасида ҳар бирининг уйига бориб, моддий рағбатлантиришдан ташқари Бош прокурор ва Марказ номидан табрикномалар йўллаб, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилмоқдамиз. 60, 70, 75 ва 80 ундан юқори ёшга кирган прокуратура фахрийларининг табаррук ёшларини нишонлаш ҳам диққат-эътиборимизда туради.

Қарияларимизнинг мамлакатимизда, прокуратура органларида бўлаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб туришлари учун уларнинг ҳар бири Бош прокуратура муассислигида нашр этилаётган «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасига 2003 йил учун бепул обуна қилинди.

Мазкур марказнинг ташкил этилишини мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатининг яна бир кўриниши сифатида баҳолаш ўринли бўлур эди. Ишонч ва мамнуният билан айтиш мумкинки, марказимиз ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бекуму кўст адо этиб, ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланади.

**Ботир КАЛОНОВ,**  
Республика прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси

**XOTIRA UYG'ONS A GO'ZALDIR**

Ҳаётни уммонга ўхшатишди. Унда ҳар ким ҳар хил «сузади». Худо берганича яшайди, кун кечиради. Лекин бир нарса ҳақиқатки, ойлар, йиллар ўтса ҳам яхши, ҳалол инсонлар ҳеч вақт унутилмайди. Биз ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган Саловат ога шундай инсон эди.

Ҳар гал Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига йўлим тушганда Саловат ога кўз ўнгимда гавдаланаверади. Сермулоҳаза, теран фикрли бу инсон билан суҳбатлашиш ҳар бир инсон учун мароқли эди. Сабаби, у кишидаги самимийлик, тўғрисиқлик, оталарча доно маслаҳат беришлари бизни ўзига ипсиз боғлаб қўярди.

**ПОКЛИК УНИНГ ЭЪТИҚОДИ ЭДИ...**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ФАХРИЙ ХОДИМИ САЛОВАТ ЎРОЗОВНИНГ УМР ЙЎЛИГА ЧИЗГИЛАР**

2002 йилнинг август ойи. Саловат оғанин мазмунли суҳбатидан баҳраманд бўлиб қайтарман деб ўйлаган эдим. Бунга қарангки, иш билан сафарга кетган экан. Бир-икки кун ўтиб, у кишига кўнгирак қилдим. Прокуратурадагилар:

— Бироз мазалари йўқ, грипп бўлса керак, — дейишди.

Сўнг дарҳол уй телефонини аниқлаб, хонадонига кўнгирак қилдим. У киши мени овозимдан таниди: — Э, муҳбир ука, қаерларда юрибсиз? Келинг, меҳмонимиз бўлинг, гурунглашамиз. Сизга мавзу бўладиган гапларим кўп.

Нимасини айтасиз, хизматчилик дегандай: — Ҳўп, Саловат ога, албатта ўтаман. Соғлигингизни билмай дедим. Соғлик бўлса кўришамиз, — дегандим. Лекин тақдир экан, кўп ўтмай машъум хабарни эшитиб қолдим.

Ушунда учрашув насиб қилмаган экан. Мана бугун тахририят топшириғи билан Саловат оғанин хонадонига бордим. Олдий, камтарона. Эи қатори дастурхонга нон-тўз кўяркан, оғанин кенжа қизи Зулфия ичкаридан катта альбом олиб чиқди.

— Кўриб ўтиринглар... Альбомни варақлаймиз. Суратдан самимий боқиб турган чехраларга боқаман.

Саловат оғанин турмуш ўртоғи Айттул опа қўларига ёш олди:

— У киши бошқача одам эди. Ҳаётдан нолимасди. Ўттиз беш йил бирга яшаган бўлсақ, касалман деганини эшитмаганман. Вафоти олдиндан билиб ўтирибмиз. Юрагидан дард бор экан. Фарзандларини ҳам оддий, камтар бўлишга ундарди. Олти фарзандимиз бор. Бир ўғил, беш қиз. Худого шукр дейман, ҳаммаси ўқимшли. Ўғлим Нурмухаммад ўтган йили Нукус давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Отасидек юрист бўлмоқчи.

— Саловат оғанин отаси Қўллимурод ога ҳам ҳуқуқшунос бўлган деб эшитганди?

— Ҳа, кўп йиллар ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаган. Собиқ Иттифок даврида Қорақалпоғистон АССР Олий Совети президиуми раиси ўринбосари ҳам бўлган. 1971 йили вафот этди.

Биз суҳбат аралаш Саловат оғанин кундаликлари-ни ҳам кўздан кечирдик. Унда оғанин қаерларда ишлагани, кимлар билан учрашгани, дўстлашгани ёзилган. Эсдалик учун суратга тушишган. Биз оғанин дўстларидан баъзиларининг фикрларини ёзиб олдик.

**Ниетулла Сейтазаров, меҳнат фахрийси:**  
— Саловатдай одамлар дунёга камдан-кам келади.

Суратда: С.Ўрозов шогирди А.Абдуллаев билан.



**Ҳажимбой Ҳалимов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси:**

— Саловат ога камтар, очикқўнғил, қалби пок, оптимист инсон эди. Қонунларни яхши биларди. Манманлики жуда ёмон кўрарди. Устозимиз тўйларда тўйбошимиз эди. Хозирги иш фаолиятимизда у кишидан ўрганганларимиз асқотаяпти.

**Гавҳар Барожонова, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёрдамчиси:**

— Саловат ога вафот этибди деса, роса йиғлаганман. Яхши инсонлар кам яшар экан. Раҳбарият у кишини ёнидан қўймайди. Даврамиз гули, ёшларнинг устози эди. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси лавозимларида ишлаган, лекин ҳеч вақт мен фаолон ишда ишлаганман, фаолон ишни қилдим деган эмас. Олдий инсон эди. Бир умр давлатнинг уйда яшаб ўтди. Халолликда ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

**Фахриддин Нуриддинов, Тўрткўл тумани прокурори:**

— Қорақалпоғистонга келиб, икки ярим йил Саловат ога билан бирга ишладим. Қачон салом-алиқ қилган кабинетига борсам, ёши катта бўлишига қарамай ўрнидан туриб саломлашарди. Бу ҳам инсоннинг ажойиб феъл-аълоқларидан эмасми? Мен Саловат оғанин кўп нарса ўргандим. У кишига ҳавас қиламан. Мазмунли яшайди.

Бундай яхши фикрларни яна давом эттириш мумкин. Улар орасида шоир Николай Медведев, Қорақалпоғистон халқ шоири Тўлибой Қўбулов ва бошқаларнинг дил сўзлари бор эди.

Ортдан яхши ном қолдириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган буюк бахтдир. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида Саловат оғанин руҳи шод бўлишини Аллоҳдан сўраб, Айттул опа билан хайрлашдик. Опага ва оила аъзоларига узок умр тилаймиз.

**Нуриддинов ОКНАЗАРОВ, «HUQUQ» муҳбири**

Бир сирдош изладик, аммо минг афсус, Уни тополмадик бу кенг дунёдан.

Сенга бағишладим, ҳам сендан олдим, Нур мисоли ортга қайтмас дамларим. Энди сеникидир, сен билан қолдим, Менин шодликларим, менин гамларим.

Лоқайд кечмоқдадир энди бу умрим, Ҳол-аҳвол сўрайди ҳар дўсти-ёрон. Кўнма-кўн кўпар маънос дамларим, Одамлар юзимга боқишар ҳайрон.

Ҳаммасига дош бердинг бағрим, Яшиурсан каму кўстарим. Гамгин қилиб дейман уларга Мен бахтлиман, менин дўстларим.

**Тахририятдан:**  
Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири, Самарқанд шаҳар прокуратураси терговчиси, ҳассос ижодкор Исмаилов Илдошев кўтулғу 50 ёшга тўлди. Ҳамкоримизни ушбу сана билан кутлаб, келгуси фаолиятида муваффақият тилаймиз.

**ЭЪТИБОР — ЭЪЗОЗ ДЕМАКДИР**

ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш мақсадида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармалари, нодавлат-нотижорат жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёш кадрларни касбга садоқат руҳида тарбиялаш борасида куч-гайратини аямай, билими ва тажрибасини ўргатиб келаятган кексаларимиз талайгина. Кўпни кўрган қарияларимизнинг ҳаётий тажрибаси, насихати ҳар жойда — ишда ҳам, оилада ҳам, маҳалла-қўйда ҳам жуда асқотади. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, кўнглини кўтариш, моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш прокуратура раҳбарларининг доимий эътиборида турибди. Шу соҳада самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан қарияларимизнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ташкил этилгани ҳам уларга бўлган алоҳида диққат-эътибор намунасикидир. Мазкур марказ республикамизда ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, прокуратура органлари фахрийларини эъзозлаш, қарияларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди.

Марказ фаолияти хусусида гапирганда унинг қўйидаги устувор йўналишларига ало-

**XABAR**

**ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ**

Наманган вилоят прокуратураси раҳбарларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унга вилоятдаги ОАВ раҳбарлари, марказий газеталар ва ЎзТВ муҳбирлари таклиф этилдилар.

Учрашувда сўзга чиққан вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, қонунларни тарғиб қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига ошкоралик беришда матбуотнинг ўзига хос ўрин тутаётганини таъкидлашди.

Ушбу учрашувдан кўзланган мақсад ҳам прокуратура билан ОАВ ҳамкорлигини янада кучайтириш эканлиги эътироф этилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Бу каби мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш лозим деб топилди.

**Ш. ДЕҲҚОНОВ,**  
Наманган

**QUTLOV**

Исмаилов Илдошев

**ҚАЛБИМГА**

О, инсон юраги, муқаддас макон, Ажойиб диверсан, бизнинг қалбимиз. Енамсиз, ёқмасиз бизлар ҳеч қачон, Сендай бўлолмасмиз, сенин каби биз...

Асрий азобларда ёндиринг, юрагим, Мухаббат дардига қул бўл яшадим. Одамлар бир умр ичган шаробни Биргина лаҳзада ичиб ташладим.

О, мағрур юрагим, сени йиғлатиб Мухаббат қошида тиз чўқдим, эй воҳ, Севгилим қўлида сени тиглатиб, Сўнгра даргоҳингдан изладим паноҳ.

Сени кўп қўянадим, энди эркин бўл, Бахтингни излагил нурдан, зийдан.



Лоқайд кечмоқдадир энди бу умрим, Ҳол-аҳвол сўрайди ҳар дўсти-ёрон. Кўнма-кўн кўпар маънос дамларим, Одамлар юзимга боқишар ҳайрон.

**MUSOHABA**

— *Шухрат ака, халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган ажойиб, сермазмун мақол бор. Мамлакатимизни битта жипс оила деб тасаввур қилсак, шу уйимизда қанча «паримиз» бор?*

— Ҳозирга кунда Ўзбекистонда 3 миллионга яқин пенсионерлар истиқомат қилмоқда. Улардан 45 мингдан зиёди иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 38 мингга яқини ёлғиз ногирон қариялар, 365 мингдан ортиги фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 3600 нафари юз ва ундан юқори ёшдаги отахон ва онахонлардир.

— *Утган 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб номланган эди.*

— Дарҳақиқат, 2002 йилнинг бундай номланиши ва бу борада давлат дастурининг қабул қилиниши нафақат қарияларимиз, балки бутун жамият ҳаётида катта из қолдирди.

Бунинг ўзига хос ибратли ва тарбиявий жиҳати шу бўлдики, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат, кексаларни эъзозлаш, қадриятларимизни тиклаш каби ноёб анъаналар тобора кенгайиб, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Утган йили давлатимиз томонидан қарияларга моддий ва маънавий ёрдам бериш масаласига катта эътибор берилиб, пенсия миқдори 1,3 марта кўпайтирилди, пенсия миқдорини аниқлашда иш стажига бўйича чеклашлар бекор қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда уч млн. нафарга яқин пенсия ёшидаги қариялар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. 314 минг киши шифоналарда, 995 мингга амбулатория ша-

роитида даволанди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилоятининг чекка қишлоқларида яшовчи аҳоли учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Экосан» халқаро жамғармаси билан «Саломатлик» поевди ташкил этилиб, уруш ва меҳнат фахрийларининг 156 минг нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Мамлакат бўйича 32.400 нафар отахон уруш ва меҳнат фахрийларининг 156 минг нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.



# ДАВЛАТ ВА ЭЛАРДОГИДА

## Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раисининг 1-ўринбосари Шухрат Усмонов билан суҳбат

хонларимиз санаторийларда бепул даволанишиди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан вилоятларда ташкил этилган «Ортопедия реабилитацияси» илмий ишлаб чиқариш корхонаси филиалларида турли протез-ортопедия махсулотларини замонавий технология асосида ишлаб чиқа-

риш йўлга қўйилиши натижасида ногиронларни ногиронлик аравачалари билан таъминлаш учун баробарга ўсди.

Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳисобидан ўтган йили уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва қаровчисиз кексаларга 64 млн. сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди.

— *Шухрат ака, юртимиздаги бошқа жамғармалар ҳам қарияларни қадрлашга ҳисса қўлдими?*

— 2002 йилда кексаларга кўрса-

хайрия ёрдами кўрсатгани ибратлидир.

Давлат дастурига мувофиқ Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида 100 ўринли «Саховат уйи», Тошкент вилоятидаги «Оқтош» санаторийсининг кексалар учун махсус бўлими, Қорақалпоғистон Республикасида «Тахياتош» ва Наманган вилоятида «Косонсой» санаторийлари ишга туширилди.

Жиззах вилояти ҳокимининг қарори билан ҳокимиятнинг дала ҳовлиси фахрийларнинг дам олиш масканига, «Саховат уйи» эса «Қариялар оромгоҳи»га айлантирилди. Шу мақсадда вилоят ҳокимияти

фермер ҳўжаликлари ташкил этиш учун жамғармининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилояти бўлимларига 546 гектар қўшимча ер берилди.

Жиззах ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари жамғармининг туман бўлимларининг ҳар бирига биттадан «Дамас» автомашинаси ажратди. Самарқанд вилояти ҳокимлиги жамғармининг вилоят бўлими учун янги бино қуриб берди.

Фарғона вилоятида туман ҳокимликларининг қарори билан Қува шаҳридаги «Ал-Азиз» қандолат ишлаб чиқариш корхонаси, Ёзёвондаги «Истиқлол» фирмаси жамғармининг туман бўлимлари ихтиёрига ўтказиб берилди. Бундай ибратли ва хайрли мисолларни бошқа вилоятлар бўйича ҳам қўллаб келтириш мумкин.

— *Режалар тўғрисида ҳам имки оғиз гапириб берсангиз.*

— Режаларимиз, албатта, ишимиз мазмундан келиб чиқади. Муҳтарам юртбошимиз тақдирларига кўра 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг мантиқий давоми бўлиб, бу бизнинг зиммамизга ҳам масъулиятли ва хайрли вазифаларни юклайди.

Сўхбатимиз аввалида «Қариси бор уйнинг париси бор» деган жуда яхши гап айтилди. Дарҳақиқат, инсон дунёга келдики, бас, ўсади, ундаи ва бир кун албатта кексалик ёшига етади. Кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, қўлдан келгунча қўллаб-қувватлаш ҳам фарз, ҳам қарадир.

Кимки кексаларни қанча қўллаб-қувватласа, уларнинг дуосини олса, кексайганда шунча иззат-ҳурмат кўради.

Йўлдош ПАРДА суҳбатлашди

**SO'RAGAN EDINGIZ**

Имтиёзнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, бунда айрим тоифадаги фуқаролар белгиланган умумий қоидалар ва мажбуриятларни баҳаришдан қисман ёки бутунлай озод қилиниб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида маълум бир афзалликлар ва энгилликлар берилди. Шу боис, Иккинчи жаҳон уруши, Афғон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда Чернобил фалокатидан жабр кўрганлар ва уларга тенглаштирилган шахслар давлатимиз томонидан алоҳида эътиборга

Тахририятимизга бир қатор фуқаролар мурожаат қилиб, уруш қатнашчилари ва Чернобил фожеасидан жабр кўрганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумот беришини сўраган эди. Ушбу саволларга Республика Бош прокуратураси Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Ислоҳ ЖАСИМОВ жавоб беради.

гuruh ногиронига қарашиб борадиган шахслар ҳам 50 фоизлик имтиёзга эгадирлар.

Бундан ташқари, ушбу тоифадаги ногиронлар ҳар йили 1 октябрдан 15 майгача, темирйўл, ҳаво, сув ва шаҳарлараро автомобиль транспортида бо-

уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда 1-2 гуруҳ чернобил ногиронларга ҳар ойда бензин учун компенсациялар тўланади.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, шунингдек, чернобилчи ногиронларга

**QUTLOV**

**АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!**

Ҳурматли Мария Аксёнова! Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази жамоаси номидан Сизни табарук 75 ёшингиз билан самимий муборақбод этамиз!



Прокуратура органларида турли лавозимларда ишлаш мобайнида Сиз ҳалол меҳнатингиз билан вояга етмаганларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига улкан ҳисса қўшиб, ҳамкасбларингиз орасида юқори обрў-эътибор қозондингиз.

Айни пайтда прокуратура органларида Сизнинг қўллаб шогирдларингиз мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича самарали меҳнат қилишмоқда. Нафақатда булишингизга қарамай Сиз уларга касбга садоқат, ишга профессионалларча ёндашиш, ёш ҳамкасбларни тарбиялаш ишида ҳаммиша урناк кўрсатмоқдасиз.

Ушбу муборақ санада Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз!

Республика Бош прокуратураси раҳбарияти, Республика прокуратура органлари фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

**Моҳият**

Ҳаёт давом этар такрор ва такрор, Тилаклар кенгроқдир мовий осмондан. Порлоқ ҳаётимдан ўргилай минг бор, Оталар яратган улғу бўстондан.

# ИМТИЁЗ КИМЛАРГА ЖОИЗ?

олиниб, Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-қарорига асосан уларни:

— шифокор томонидан рецетт ёзиб берилган дори-дармонлар билан бепул таъминлаш;

— шифоналарда даволанишда овқат пулларини тўлашдан озод қилиш;

— тиш протезларини (қимматбаҳо металллардан ташқари) бепул қўйиш ва ремонт қилиш, шунингдек, ТМЭК ҳулоасига кўра ортопедия протезлари билан ҳам бепул таъминлаш, уларни ремонт қилиш ва ногиронлик аравачалари билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, улар шаҳар ва қишлоқ жойларида (маъмурий ҳудудда) таксидан бошқа барча транспорт воситаларидан бепул фойдаланадилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, МДХ давлатлари кенгашининг 1993 йил 12 мартдаги қарорига асосан, иккинчи жаҳон уруши 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар йилига бир марта темирйўл транспортида бепул, ҳаво, сув ва автомобиль транспортида эса 50 фоиз имтиёз билан МДХ давлатлари ҳудудига бориб келиш ҳуқуқига эга. 3-гуруҳ ногиронлари ва 1-

риб келиш сонидан қатъи назар 50 фоизлик имтиёздан фойдаланишди.

Вазирилар Маҳкамасининг 1981 йил 23 февралдаги қарорига асосан уй телефонларини навбатсиз ўрнатиб бериш (чернобилчилардан фақат ногиронларга) ва ойлик абонент тўловлари 50 фоиз миқдорига тўланади.

Солиқ кодексига кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, Афғон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда чернобилчилар ер ва мулк солиқларини тўлашдан озод қилинган. Шунингдек, уларнинг барчаси энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдоридан даромад солигидан ҳам озод этилганлар.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, Афғон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг пенсияларига энг кам иш ҳақининг 50 фоиздан бошлаб 150 фоизгача қўшимчалар тўлаиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шахсий энгил автотранспорти мавжуд Иккинчи жаҳон уруши, Афғон уруши қатнашчилари ва

йилда бир марта санатория ва курортларда даволаниш учун бепул йўланма берилди.

1-гуруҳ ногиронларига эса зарур бўлса, «ёнида қарашадиган одами билан» деган белгиси бор йўланмалар берилиши мумкин.

Чернобилчи 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига йилига бир марта соғлиқларини тиклаш учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари, 3-гуруҳ ногиронларига эса 2 баравари миқдорига компенсация тўлаиши назарда тутилган. Шу билан бирга, Чернобил фалокатини бартараф этишда 1986-1987 йилларда иштирок этганларга ҳар йили соғлиқини мустаҳкамлаш учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари, 1988 йилда иштирок этганларга 2 баравари, 1989 йилда иштирок этганларга эса 1 баравари миқдорига бир мартадан моддий ёрдам бериб берилди.

Иккинчи жаҳон уруши, Афғон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларга ҳамда Чернобил фалокатини бартараф этишда қатнашганларга қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзлар ҳам белгиланган.

**AFSUS**

Мансаб ҳар кимга насиб этавермайди. Амал курсига ўтириб, кимнингдир обрўсига обрў қўйлади, кимдир мансабни уdda қилолмай шармисор бўлади. Чондирлик Даврон Отахоновга ҳам Аллоҳ амал берди. У бу амал билан Бахористон туманидаги Амир Темур номили ширкат хўжалигига қарашли жойларни ва қишлоқ одамларининг кўнглини обод қилиш имконини кўлга киритган эди. Бирок фаний дунёда савоб ишлар қилиш ўрнига мол-дунёга берилиб, босар-тусарини билмай «зарархунанда»га айланди-қолди.



Чунончи, мазкур ширкат хўжалиги фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш жараёнида Д.Отахонов хўжаликнинг 7.409.977 сўмлик мол-мулкни талон-тарож қилганлиги аниқланди.

2001 йилнинг 19 сентябрдан 2002 йилнинг 23 сентябргача бошқарув раиси вазифасида ишлаб келган Д.Отахонов шу қисқа фурсатдан «унумли» фойдаланган. Хўжаликнинг мулки бўлган 1.845.400 сўмлик «МТЗ-80» маркали чопақ тракторини 2002 йилнинг май ойида «Фундэ» фермер хўжалиги раиси Шароф Отахоновга, яъни ўғлига ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборган.

Хўжаликнинг сут-товар фермаси мудири (собик) Б.Кувватовнинг жавобгарлигидаги ва механизатор Б.Саидов бошқарувидаги «МТЗ-80» маркали тракторни ҳам худди шу йўсунда ўғлига йўлаган. Хуллас, хўжалик механизаторлари тракторлар раиснинг оғзаки буйруғи, дўқ-пўписаси туфайли олиб қўйилаётганини кўриб, дод деб қолаверишган. Жабрланувчи деб эътироф этилган машина-трактор парки қоровули Ш.Бозоров ўз кўрғазмасида шундай деди:

— Сентябрь ойининг бошларида, соат 14 ларда раис Отахоновнинг ўғли Шароф келиб 500 килограммча юкларни кўтарадиган «талл»ни олиб кетмоқчи бўлди. Бу «талл» яроқли бўлиб, паркда унумли фойдаланилаётгани туфайли бермадим. Кенга яқин раиснинг ўзи МТПга келиб, мени кўпчилиكنинг ичида ҳақоратлаб, сўқиниб, икки марта тепди. Яна урмоқчи бўлганида устакхона мудири Кувват ака ра-

исни ушлаб қолди. Шундан сўнг ўн-ўн беш кун ишга бормадим. Раиснинг ишдан бўшаганини эшитиб, паркка бориб қарасам, «талл» йўқ, пайвандлаш аппарати, катта темир қароват, симтўрлар йўқ. Бу нарсалар раиснинг уйига, унга тегишли фермер хўжалигига олиб кетилган экан».

Ҳа, ҳуқуқини билмаганлар раиснинг бундай ҳақоратларига чидаб, нари борса ўн-ўн беш кун аразлаб юришарди, холос. Инсон кадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини бемалол топтаган «ўзи хоҳ, кўланкаси майдон» раис тобора босар-тусарини билмай борарди.

«Бир кун даладаги чайлада ухлаётгандим. Раис механизатор Нозилов Бекниёз ва Қурбонниёзлар билан келиб мени ўйғотди. «Тракторни кўш», — деб буйруқ берди. «МТЗ-80» маркали тракторини ёндирганимдан сўнг: «Машинамга чик, тракторни Бекниёз миниб боради», — деди. Идорага келганимизда: «Сенинг тракторингни «списат» қилдим, бу матоҳини ма қилсам ўзим биламан. Сени тракторчиға ёрдамчи қилиб қўяман, бор кетавер», — деб чиқариб юбор-

ди. Мен МТПга бориб, тракторимни олиб кетмоқчи бўлдим. Қарасам, паркда йўқ, Бекниёздан сўрасам, раиснинг уйда деди. У ердан ҳам тополмадим. Шундан сўнг икки-уч марта раисдан тракторни сўраб

гарчилик туфайли кўкариб чиқмаган. Уруғлики экиш учун 6.751.900 сўм харажат қилиниб, даромад олинмаган. Бундан ташқари, хўжалик томонидан 833,7 гектар ерга чигит экиш режалаштирилиб, 662,7

қатқалок бўлиб қолди. Ерни юмшатиш учун раис техника ажратиб бермаганлиги боис уруғлар кўкармай қолиб кетди, — дейди бир ғуруҳ оилавий пудратчилар. Деҳқонлар йил буйи теҳникага

# «КўЛАНКАСИ МАЙДОН» РАИС

гектаргагина экилган. Раис эса туман истиқболни белгилаш ва статистика марказига 953,7 гектар ерга чигит экилди деб (раҳбарларга яхши кўриниш учун) қалбаки ҳисобот тақдим қилган. Бу экилмаган гектарлар харажати учун ҳам маблағ сарфланиб, хўжаликка 7.154.500 сўм зарар етказилган. Экилмаган, аммо ҳисоботга киритилган бу гектарлар аслида талон-тарож қилишнинг бир усули эмасми? Сохта ҳисобот тақдим қилган раис ҳаммаси бўлиб шу йили 106.646.400 сўмлик даромад олинмаслигига ва режа бажарилмаслигига сабабчи бўлган.

— Биз 2002 йилги галла ва пахта планини бажаролмадик, — дейди деҳқончилик ширкатлари бошлиқлари С.Шойимов, М.Чориев, Қ.Тўймуродовлар. — Сабаби, экин экиш ва агротехник ишлов бериш учун техника билан ўз вақтида таъминланмадик. Йил бўйи техника муаммоси ечилмади. Отахоновга бир неча марта мурожаат қилдик. Доим «Техникани узларнинг топинлар, ёнларингдан пул бериб ишлатинлар» деган жавобни олардик. Ваҳоланки, раис ҳосил учун масъулия сезиши ва техника топиб бериши лозим эди...

— Биз уруғни ўз вақтида экиб бўлгандик. Афсуски, кучли ёгин-гарчилик туфайли уруғ унмади, ер

зор бўлишди, раис эса бор тракторларни «списат» қилиб, ўғлининг фермер хўжалигига юборишдан толмади. Оқибатда хўжалик ишчиларининг ҳам дастурхонидан баракка кетди. Ҳам давлатга, ҳам кишиларга бир йилда шунча зиён етказган ўзбошимча раис вилоят прокуратурасига зир қатнаб юргандагина, аниқроғи тафтиш ўтказилгандан сўнггина ўзининг иштаҳада оҳончи ҳам ортда қолдириб кетганига ҳайрон бўлди. Хўжалик ишчилари эса босар-тусарини билмаган, муомала, андишани унутган, қонунларни менсимган бу раисдан қутулганларига хурсанд. Хўжаликка етказилган 262.675.381 сўмлик зарар ўздан ундирилиши лозимлигини эшитганда раиснинг қалагаля учиб кетди-ёв. Кечагина амал курсисидан керилиб ўтирган кимса қора курсида бошини эгиб ўтирса, ярашмас экан.

Мазкур жиноят ишининг қисқача тафсилотини ўқиган, ҳақиқатини «отахоновча» усулда бошқараётган баъзи раислар ҳам бундан хулоса чиқариб олишса яхши бўларди.

**Неъмат ИСМАТОВ,**  
**Қашқадарё вилоят**  
**прокуратурасининг катта**  
**терговчиси.**  
**Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,**  
**журналист**

**MASLAHAT**

Ўзбекистон Оила кодексининг нормалари билан тартибга солинадиган ҳуқуқий масалалардан бири эр-хотин ўртасида тузилган никоҳ шартномаси ҳисобланади. Бу масалада фикр юритишдан олдин никоҳ масаласи ҳамда эр-хотин ўртасида вужудга келадиган шахсий ва мулкий муносабатларга қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Оилада мулкий муносабатларга нисбатан шахсий муносабатлар асосий рол ўйнайди. Чунки оила никоҳга кирувчиларнинг шахсий муносабатларига асосланади.



фарқлай олмайдилар.

Юқоридаги саволга жавоб берадиган бўлсак, ушбу муаммонинг қонуний ечимни Оила кодексининг 23 — 36-моддаларида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асослан-

лат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кесаларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланиши Асосий қонуниимизнинг 45-моддасида белгиланган. Конституцияимизнинг 12-бобида жамиятнинг иқтисодий негизлари бўлиши мулк шакллари, мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумийлиги бойлиқлар давлат томонидан муҳофаза этилиши мустаҳкамланган.

Оила кодексидан анги 29-модда мавжуд. Ушбу модда никоҳ шартномаси тўғрисидадир: «Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврда ва эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи қилишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади».

имкониятларидан амалда фойдаланмайди. Бунинг асосий сабаби, уларнинг никоҳ шартномасига оид моддалардан хабардор эмаслиги ва яратилган имкониятлар тўғрисида умуман тасаввурга эга эмаслигидир.

Оила кодексиданги никоҳ шартномасига оид моддаларнинг амалда қўлланилиши биз кутган натижаларни бермайди. Масалан, Фарғона вилояти оладиган бўлсак, 1999-2000 йиллар давомида вилоят бўйича ФХД органлари томонидан салкам 36 мингта никоҳ қайд этилган. Шу давр мобайнида Ёзёвон туманида 8 та, Оптирик туманида 25 та, Тошлоқ туманида 1 та оила никоҳ шартномасини тузган, холос. Бошқа шаҳар ва туманларда битта ҳам бундай шартнома тузилмаган.

Тўғри, бундай шартномани тузиш ихтиёрый. Лекин қанчадан-қанча никоҳлар бекор қилинаётганлигини ва суд қарорини билан ҳал этилаётганлигини ҳисобга олсак, ажралишлар нисозис кечмаётганлигини англаш қийин эмас.

## ШАРТНОМАСИ

Оила кодексининг 30-моддасида айтилганидек, ушбу шартнома никоҳ давлат руйхатига олингунга қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Шартнома албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Уни тузиш ихтиёрый ҳисобланади. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлуғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномасига кўра, эр-хотин умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартаришга ҳақли. Шунингдек, шартнома эр-хотиннинг қилишуви билан исталган вақтда ўзгартарилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартарилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Қонунда эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солиувчи ҳуқуқий асослар мавжуд. Аммо кўпчилик қонунда белгиланган ҳуқуқ ва

ган янги фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилганлиги туфайли Оила кодексига эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солиш учун янги моддалар киритилди. Конституцияимизда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги кафолатлаб қўйилди. Бундан ташқари, Конституциянинг 43-моддасида давлат фуқароларининг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши кўзда тутилган. 44-моддага кўра эса, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, дав-

ҳаётга султ татбиқ этилаётганлигида фуқароларнинг айби йўқ. Камчиликлар шундан иборатки, қонундаги янгиликларни тарғиб қилиш талаб даражасида эмас.

Эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий тартибини фуқароларга тушунтиришда баъзи муаммоларга дуч келинаётир. Масалан, ФХД ва нотариус ходимлари никоҳ шартномаси ҳақида зарур тасвирлар, услубий қўлланмалар етишмаслиги туфайли фуқароларга тушунча беришда қийналаётганини баён этишяпти. Оила кодексининг янги моддалари матбуотда ҳам етарлича тарғиб қилинмапти. Қонун билан белгилаб қўйилган никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини билган фуқаро ҳеч қачон буни ўзи учун ортиқча иш деб билимайди. Никоҳ шартномаси — келгусида мол-мулк масаласида низо келиб чиқса, уни адолатли ҳал этишнинг қонуний кафолатидир.

**М.АРЗИБОВА,**  
**ЎЗМУ магистранти**



**SUD OCHERKI**

Дафъатан у ўзининг қаерда эканлигини англай олмади. Ҳамма томон оппоқ. Худди чалқанча ётган ҳолда учиб кетаётгандек эди. Узини оппоқ кийинган кишилар курсовида кўриб, «наҳотки ўлган бўлсам» деган хаёлга борди. Бирма-бир уларнинг юзларига разм солиб чиқди.

— Ҳушига келаяпти. — Тезроқ операция хонасига, бўлмаса кеч қоламиз. Атрофдагиларнинг бу гапидан кейин Аваз жаннатда эмас, қайсибир шифохонада эканлигини тушунди. Бундан бироз олдин қандай воқеа содир бўлганлигини, қимларга пичоқ урганлигини, ҳамма-ҳаммасини эслади. Фурсат ўтмай операция хонасидан кимдир қўлига уқол қилди, яна бири юзига қандайдир нарсани кийгизди. Докторлар иш бошлашди. Лекин у оғриқни ҳис қилмасди. Кўп вақт ўтмай ҳушидан кета бошлади. У наркоз таъсирида эди.

— Бугун уларни яхши кутиб олай, сизлар билан эртага ўтирамыз. — Ниёз, битта яримтани қизганаеп-санми энди? Жўрабекнинг бу саволига Жуманиёз бироз жим турди-да, ёнида турган Авазга буюрди: — Аваз, бор, битта олиб чиқ. — Керак бўлса, ўзинг олиб чиқ. Жуманиёз жавобдан бироз ранжиган бўлса-да, ўзи олиб чиқадиган бошқа чора қолмади. Иккаласи бирга яна хонага қайтишди. — Ўзларини ким деб ўйлайпти? Нимага энди уларга қор беришинг керак? Нима, уларнинг шохи борми? — Кўй, шу «сурқашларга битта ароқ бермасак, барибир яна ўчириверади. — Ароқ берсам, тинч кўяди деб ўйлайсанми? Жуманиёз Авазнинг саволига жавоб бер-

ма пичоқ экан. — Шахло, бу кимники? — Уйдан олиб келгандим. У-бу нарсага ишлатиб турибмиз. — Ўзларингга бошқа пичоқ борми? Энди буни биз ишлатамиз. Қиз Авазнинг дилини ранжитмаслик учун рози бўлиб кўяқолди. Биргалашиб телага чиқишди. Томатни Мансурга бериб, меҳмонлар олдиға киришди. — Ҳа, ошиқ-маъшуклар, кўринмай қолдиларинг? Хоразмлик Омон исмли дўстининг бу ҳазили эшиқдан кириб келган икки ёшни бироз хижолатга қўйди. Шахло бироз қизариб қизлар орасига тикилди. — Жуманиёзнинг туғилган кунинда севги достонини тўхтатиб турсаларинг бўлармиди? Хонадан чиқиб кетмаса, Омондан қутулмаслигини билган йигит туриб, эшик томон юрди. — Гапимиз ёқмади Мажнунга. Аваз хонадан чиқаркан, орқасидан

да қотди-қолди. Бу пайтда қоридан яраланган Жўрабекни хонасига олиб кириб ётқизиб қўйган Собир билан Баҳром Авазни излаб, коридорга чиқиб бақира кетишди. — Пичоқлашди! Аваз Жўрабекни пичоқлаб қўйди! Бу шовқинни эшитиб хоналардан болалар чиқиб кела бошлашди. Собир Мансурга дағдаға қилди: — Аваз қани, номард Жўрабекни пичоқлаб қўйди? Мансур Собирнинг гапидан кейинги Авазнинг нимага пул сўраганлигини тушуниб етди. Тезда пастта, Авазнинг олдиға шовди. Мансур ва бир нечта хоразмлик болалар биринчи қаватга тушиб, Авазнинг эшик олдида турганини кўришди. — Аваз, қоч, сени қашқадарёлик болалар излапти. У энди эшиқдан чиқмоқчи эди, Собир билан Баҳромнинг овози эшитилди: — Каёққа қочаяпсан, номард? — Қочганим йўқ, «тез ёрдам» чақирмоқчи эдим. — Алдама, қочаётгандинг-ку. Аваз тушунтиришга улгурмади. Собир унга бақириб ҳамла қила бошлади. Ҳозир ўзини ҳимоя қилмаса, улар бир нима қилиб қўйишдан қўрққан Аваз яна чўнтагидаги пичоққа ёпишди. Уни олиб Собирнинг қорни ва кўраги-

# ЖУМНИ КОНТАЛАБА

Кўзини очганида ўзини яна оппоқ хонада кўрди. Секин атрофга кўз югуртиб чиқди. Рўпарасидаги стулда кимдир ўтирганини кўрди. — Аваз, болам, кўзини оч! Бу таниш овоз онасиники-ку. Қачон келишга улгурди экан? Демак, ҳаммасидан хабари бор. Ҳойнаҳой, отаси ҳам келган бўлса керак. — Онажон! Мен... — Кўй, гапирма, ҳаммасидан хабардорман. — Улар нима бўлди? Тирикми? Онасининг суккутидан Аваз вазият яхши эмаслигини тушунди. — Иккитаси... бўлмабди. — Нима? Ҳаммаси тамом. Икки кишининг қотили сифатида уни ҳам отишади. Бундан бошқа йўли йўқ. — Онажон, мени кечиринг, сизларга солиқ фарзанд бўлмадим. Ишончларингизни оқлолмадим. — Ундай дема. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Асосийси — ўзининг тан-жонинг соғ... — Бундан кўра ўлиб кетганим яхши эди. Қани энди бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси тушга айланиб қолса. — Авазжон, кўй, юрагимни сиқма. — Онажон, энди мен одам сонидан чиқдим...

ни ичкарига бошлади. Остонада вахтёр Валя опа уларни тўхтатди. — Нельза, кто эти парни? Кўпчилик русларга хос Валя опа ҳам ўзбекча гапиролмаса-да, лекин яхши тушунарди. Шунинг учун Жуманиёз ўзбекча жавоб қайтарди: — Комендантга айтгандим, бугун туғилган куним, шунга келишган. — А, это твои друзья? Давайте документы. Улар ҳужжатларини бериб, телага чиқарар экан, оғайнлардан бири гап отиб қолди: — Ниёз, қизлар борми ё фақат болаларми? — Э, буюғидан ўйланма, телага чиққин, нечта қиз кутиб ўтирганини кўрасан.

мади. Бу пайтда чироқ ёнган эди. Хонага кириб, битта ароқ олиб чиқди-да, Жўрабекларнинг хонасига кириб кетди. Аваз эса меҳмонлар олдида қолди. Ораддан беш дақиқа ўтиб, эшик тақиллади. Аваз эшикни очса, ташқарида қашқадарёлик Баҳром исмли бола турарди. — Аваз, Мансурни айтиб юбор. Аваз хўп ҳам, йўқ ҳам демая қайтиб, меҳмонлар билан чаққаллашиб ўтирган Мансурни айтиб юборди. Мансур чиқиб, у ҳам Жўрабекнинг хонасига кириб кетди. Бундан Авазнинг баттар жаҳли чиқди. Бироз вақт ўтиб, еттинчи қаватдаги ошхонадан Шерали келиб қолди. — Мансур қани, ошни дамламайдими? — Падалига лаянат, улар бегоналар билан чўқштириб машинани қилади-ю, биз уни-буни тополмай сарсонимиз чикса. Бу қандай гап?

шўх кулги кўтарилди. У овқатдан хабар олиш учун зина томон юрди. Зина яқинида Жўрабек, Баҳром ва Собирга кўзи тушди. — Хов, бу ёққа кел! Аваз Жўрабекнинг олдиға борди. — Нима дейсан? — Боя чақириб кетган боланг — Мансур қаерда? — Пастда, ошхонада бўлса керак. — Тушиб чақириб чиқ. — Керак бўлса ўзинг туш. — Хов, мен сенга айтаяпман. — Сенга керакми? Ўзинг туш. Бундай жавобни кутмаган Жўрабек унга яқинлашиб, кўзи аралаш юзига мушт туширди. Аваз қалжи кетди-ю, йиқилмади. Ҳали ўзини ўнглаб олмай елкасига, биқинига яна зарба келиб тушди. Узини йўқотиб, нима қилишини билмай қолган бир пайтда чўнтагидаги пичоқ эсига келди. Уни чўнтагидан шартта олиб, Жўрабекнинг қорнига тикиб олди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмагани, хатто Жўрабек ҳам. Баҳром билан Собир бир букчайиб инграётган Жўрабекка, бир қўлида пичоқ, нима қилишини билмай қолган Авазга қараб қолди. Бироз ўтиб, нима қилиб қўйганини англаган Аваз кўрчи, хонасига қочиб кетди. У бир нарсани, бу ердан тез кетмаса Жўрабекнинг шериклари уни соғ қўймаглигини биларди. Шунинг учун ҳеч нарсадан хабари йўқ йўнкулги билан банд болаларнинг олдиға кириб, туфлисини кийиб чиқди. Унга ўтирганлардан ҳеч ким эътибор бермади. Эшикка етгач, Мансурни имлаб чақирди. — Мансур, менга йигирма минг пул толиб бер. — Нима қиласан? Ҳозир бунча пулим йўқ.

«ЭХУД «ВУЗГОРОДОК»ДА НИМА БЎЛГАН ЭДИ?»

Талабалар шаҳарчаси кечки соат 8-9 ларга бориб, бироз бўлса-да, сокинлашиб қолади. Кечкиб нонга ёки у-бу харид қилиш учун бозорчага тушган талабаларни айтмаганда, кўчада одам кам. Кундузи мижозлар билан тирбанд бўладиган «Бир зумда» кафеси ҳам ҳозир кимсасиз. Фақат бир-иккита киши автобус кутиб турибди. Йўловчиларни узоқ куттирмай «Чалов» —ТошМИ-2» йўналиши бўйича қатновчи 28-автобус ҳам келиб қолди. Ундан кўпчилик тушиб, ҳар ёққа тарқалиб кетди. Яхши кийинган, ўзига оро берган икки йигит ҳам кафе орқасига ўтиб, манзил томон шитоб билан юриб кетишди. Дам қоронғу дарахтзор оралаб, дам асфальт йўлақдан юриб, белгиланган жойга етиб келишди. — Вахтёр киритармикан энди? — Жуманиёз комендант билан гаплашиб қўйганман деганди-ку, ўлдими, киритар. Э, ана Жуманиёзнинг ўзи. Кутиб турган экан. Икки оғайни ётоқхонанинг еттинчи қавати балконидан қўл силкиб турган Жуманиёзни кўриб, қувониб кетишди. Бироз ўтиб, унинг ўзи пастта тушиб келди. — Намуна кеч қолдиларинг? Кутавериб хит бўлиб кетдим-ку. Оғайнлар Жуманиёз билан кучоқлашиб кўришаркан, хижолатамуз гапирдиши: — Туғилган кунинг билан табриклаймиз, уэр, озорек кеч қолдик. — Раҳмат, раҳмат. Ҳа, майли, кетдик телага, — Жуманиёз шундай деб улар-

Даврабознинг сўзидан кейин қизариб, йимайиб ўтирган Нафиса ёнидагилар кистайверган, қўлига пиёлани олиб, ўрнидан турди. — Аввало, сўз берганингиз учун раҳмат. Ниёз ака, туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр. Вой! Хона бир зумда зулматга фарқ бўлди. Магнитобон ҳам тинчиб қолди. Қизлар безовталаниб, Нафиса ҳам гапини охирига етказолмай, жойига ўтириб олди. — Тинчланинглар, чироқ шу ердан ўчган бўлиши керак. Чунки ташқарида ўчмаган. Ҳозир биламиз ҳаммасини. Аваз билан Жуманиёз хонадан чиқилганда коридор охирида, электрошитнинг олдида тўрт-бешта бола турарди. Улар Аваз билан Жуманиёзнинг ўзлари томон келаётганини кўриб, бир-бирига пичинг қила бошлашди. — Олим, нима қиласан чироқни ўчириб, ўтиришни харом қиласан-ку? — Э, шунчаки? Билмасдан қўлим тегиб кетибди. Улар ўзларининг гапига нашъа қилиб, қулишди. Аваз билан Жуманиёз турганлар билан кўришгач, улардан бири, шу ётоқхонада яшовчи Жўрабек гап қотди: — Ниёз, меҳмонларинг борми? — Туғилган кунинг бир-иккита меҳмонлар келганди. — Биз билан нишонламайсаними?

Хаммасини тушунтириб ўтиришга вақт йўқ эди. Шунинг учун яна илтимос оҳангидега гапирди. — Мен пастда, вахтёрнинг олдида бўламан, илтимос, толиб тушириб бер. Ҳеч нарсани тушунмаган Мансурнинг олдида кетаркан, Аваз ортига қаради. — Мансур, Шахлони чақириб юбор. Яна нима гап бўлди экан деган ўйда эшиқдан чиққан қизни у бир ҳолатда кутиб олди. — Шахло, яхши қол! — Нима? Ҳеч нарсани тушунмаган Шахлони Аваз қўриб ўлди: — Сен билан видолашгани келдим. Мен... биттасини пичоқлаб қўйдим, — у шундай дея шовиллиб пастта тушиб кетди. Шахло бу гапни эшитди-ю, жойин-

кабулхонада шифокор Р.Суннатов навбатчиликда экан. У беморларни кўздан кечириб, зудлик билан навбатчи жарроҳ ихтиёрига борми. Шу пайт яна икки оғир беморни олиб келишди. Булар Жўрабек ва Собир эди. — Абдурахмон ака, яна икки оғир беморни олиб келишди. Уларни нима қилайлик? — Биз бошқа қабул қилолмаймиз. Шовиллиб тиббий ёрдам кўрсатиб бошқа шифохоналарга юборинглар. Навбатчи шифокор Жўрабек ва Собирни кўздан кечирган бўлди. — Бизда бошқа жой йўқ. Уларни бошқа шифохонага олиб бориинглар. — Ахир уларнинг аҳоли оғир-ку? — Ҳозир уларни операция қилишга жарроҳлар йўқ. Шунинг учун қабул қилолмаймиз. Тортишш бефойдалигини билган болалар Жўрабек ва Собирни бошқа шифохонага олиб кетишди. Лекин кўп қон йўқотганлиги улар иккиси ҳам бевақт ҳаётдан кўз юмди. Тезда уларнинг яқинларига хабар беришди. Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган мазкур воқеа кўпчиликни қайғуга солди. Ўғлини поёнтахтада ўқитиб, келажакдан умид қилиб ўтирган икки оила фарзандидан эрта жудо бўлди. Яна бир оила фарзанди эса ўқушини йигирма йиллик жазога алмашадиган бўлди.

«Жигули» ТошМИга етиб келганида қабулхонада шифокор Р.Суннатов навбатчиликда экан. У беморларни кўздан кечириб, зудлик билан навбатчи жарроҳ ихтиёрига борми. Шу пайт яна икки оғир беморни олиб келишди. Булар Жўрабек ва Собир эди. — Абдурахмон ака, яна икки оғир беморни олиб келишди. Уларни нима қилайлик? — Биз бошқа қабул қилолмаймиз. Шовиллиб тиббий ёрдам кўрсатиб бошқа шифохоналарга юборинглар. Навбатчи шифокор Жўрабек ва Собирни кўздан кечирган бўлди. — Бизда бошқа жой йўқ. Уларни бошқа шифохонага олиб бориинглар. — Ахир уларнинг аҳоли оғир-ку? — Ҳозир уларни операция қилишга жарроҳлар йўқ. Шунинг учун қабул қилолмаймиз. Тортишш бефойдалигини билган болалар Жўрабек ва Собирни бошқа шифохонага олиб кетишди. Лекин кўп қон йўқотганлиги улар иккиси ҳам бевақт ҳаётдан кўз юмди. Тезда уларнинг яқинларига хабар беришди. Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган мазкур воқеа кўпчиликни қайғуга солди. Ўғлини поёнтахтада ўқитиб, келажакдан умид қилиб ўтирган икки оила фарзандидан эрта жудо бўлди. Яна бир оила фарзанди эса ўқушини йигирма йиллик жазога алмашадиган бўлди.

\*\*\*

Нозим АБДУРАШИДОВ, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори. Фозил МАМАШАРИПОВ, «НИҚУҚ» мухбири

Талабалар шаҳарчаси кечки соат 8-9 ларга бориб, бироз бўлса-да, сокинлашиб қолади. Кечкиб нонга ёки у-бу харид қилиш учун бозорчага тушган талабаларни айтмаганда, кўчада одам кам. Кундузи мижозлар билан тирбанд бўладиган «Бир зумда» кафеси ҳам ҳозир кимсасиз. Фақат бир-иккита киши автобус кутиб турибди. Йўловчиларни узоқ куттирмай «Чалов» —ТошМИ-2» йўналиши бўйича қатновчи 28-автобус ҳам келиб қолди. Ундан кўпчилик тушиб, ҳар ёққа тарқалиб кетди. Яхши кийинган, ўзига оро берган икки йигит ҳам кафе орқасига ўтиб, манзил томон шитоб билан юриб кетишди. Дам қоронғу дарахтзор оралаб, дам асфальт йўлақдан юриб, белгиланган жойга етиб келишди. — Вахтёр киритармикан энди? — Жуманиёз комендант билан гаплашиб қўйганман деганди-ку, ўлдими, киритар. Э, ана Жуманиёзнинг ўзи. Кутиб турган экан. Икки оғайни ётоқхонанинг еттинчи қавати балконидан қўл силкиб турган Жуманиёзни кўриб, қувониб кетишди. Бироз ўтиб, унинг ўзи пастта тушиб келди. — Намуна кеч қолдиларинг? Кутавериб хит бўлиб кетдим-ку. Оғайнлар Жуманиёз билан кучоқлашиб кўришаркан, хижолатамуз гапирдиши: — Туғилган кунинг билан табриклаймиз, уэр, озорек кеч қолдик. — Раҳмат, раҳмат. Ҳа, майли, кетдик телага, — Жуманиёз шундай деб улар-

Даврабознинг сўзидан кейин қизариб, йимайиб ўтирган Нафиса ёнидагилар кистайверган, қўлига пиёлани олиб, ўрнидан турди. — Аввало, сўз берганингиз учун раҳмат. Ниёз ака, туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр. Вой! Хона бир зумда зулматга фарқ бўлди. Магнитобон ҳам тинчиб қолди. Қизлар безовталаниб, Нафиса ҳам гапини охирига етказолмай, жойига ўтириб олди. — Тинчланинглар, чироқ шу ердан ўчган бўлиши керак. Чунки ташқарида ўчмаган. Ҳозир биламиз ҳаммасини. Аваз билан Жуманиёз хонадан чиқилганда коридор охирида, электрошитнинг олдида тўрт-бешта бола турарди. Улар Аваз билан Жуманиёзнинг ўзлари томон келаётганини кўриб, бир-бирига пичинг қила бошлашди. — Олим, нима қиласан чироқни ўчириб, ўтиришни харом қиласан-ку? — Э, шунчаки? Билмасдан қўлим тегиб кетибди. Улар ўзларининг гапига нашъа қилиб, қулишди. Аваз билан Жуманиёз турганлар билан кўришгач, улардан бири, шу ётоқхонада яшовчи Жўрабек гап қотди: — Ниёз, меҳмонларинг борми? — Туғилган кунинг бир-иккита меҳмонлар келганди. — Биз билан нишонламайсаними?

Хаммасини тушунтириб ўтиришга вақт йўқ эди. Шунинг учун яна илтимос оҳангидега гапирди. — Мен пастда, вахтёрнинг олдида бўламан, илтимос, толиб тушириб бер. Ҳеч нарсани тушунмаган Мансурнинг олдида кетаркан, Аваз ортига қаради. — Мансур, Шахлони чақириб юбор. Яна нима гап бўлди экан деган ўйда эшиқдан чиққан қизни у бир ҳолатда кутиб олди. — Шахло, яхши қол! — Нима? Ҳеч нарсани тушунмаган Шахлони Аваз қўриб ўлди: — Сен билан видолашгани келдим. Мен... биттасини пичоқлаб қўйдим, — у шундай дея шовиллиб пастта тушиб кетди. Шахло бу гапни эшитди-ю, жойин-

кабулхонада шифокор Р.Суннатов навбатчиликда экан. У беморларни кўздан кечириб, зудлик билан навбатчи жарроҳ ихтиёрига борми. Шу пайт яна икки оғир беморни олиб келишди. Булар Жўрабек ва Собир эди. — Абдурахмон ака, яна икки оғир беморни олиб келишди. Уларни нима қилайлик? — Биз бошқа қабул қилолмаймиз. Шовиллиб тиббий ёрдам кўрсатиб бошқа шифохоналарга юборинглар. Навбатчи шифокор Жўрабек ва Собирни кўздан кечирган бўлди. — Бизда бошқа жой йўқ. Уларни бошқа шифохонага олиб бориинглар. — Ахир уларнинг аҳоли оғир-ку? — Ҳозир уларни операция қилишга жарроҳлар йўқ. Шунинг учун қабул қилолмаймиз. Тортишш бефойдалигини билган болалар Жўрабек ва Собирни бошқа шифохонага олиб кетишди. Лекин кўп қон йўқотганлиги улар иккиси ҳам бевақт ҳаётдан кўз юмди. Тезда уларнинг яқинларига хабар беришди. Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган мазкур воқеа кўпчиликни қайғуга солди. Ўғлини поёнтахтада ўқитиб, келажакдан умид қилиб ўтирган икки оила фарзандидан эрта жудо бўлди. Яна бир оила фарзанди эса ўқушини йигирма йиллик жазога алмашадиган бўлди.

**ПРОКУРАТУРА**

ходимлари воқеа жойига етиб келишганига чамаси ўн дақиқалар бўлди. Тезда ишга киришган ходимлардан бири жасади кўриб қолган йигитдан ниманидир суриштирар, бошқаси мурданнинг шахсини аниқлаш мақсадида унинг анҳор бўйида турган машинасидан ҳужжатларни кидирди. Йигитнинг жасадини кўздан кечириётган суд-тиббиёт эксперти унинг очик қолган кўзларига қараб, хаёлан бу «оқ ажал»ни сотувчи кимсаларни сўкарди.

...Рустам бугун навбатдаги давлат имтиҳонини топширди. Уни бироз хавотирга солаётган фандан яхши баҳо олганидан қувониб, университет кўчасида дўстларини топа олмаганиги сабабли яқиндаги биллиардхонага йўл олди. Кун иссиқ бўлгани туфайли минерал сув олиб биллиардхонадаги юмшоқ курсилардан бирига ўтирди. Бу ерда ҳам дўстларидан ҳеч кимни учратмади. Чўнтагидан сигарет олиб тутатаркан, пачкасини стол устига ташлаб, орқасига куйди. Шу пайт тўғрисида қалта кўйлак кийган малла сочли киз билан биллиард ўйнаётган таниши Фаррухга кўзи тушди. Фаррух уни кўриши билан:

— Э-э, ишлар қалай, оғайни, тузукмисан? — деди.

Пивонинг кайфидан кўзлари қизарган Фаррух Рустамнинг ёнига ўтириб, чўнтагидан сигарет чиқарди. Бошқа-бошқа гуруҳларда ўқиши сабабли улар салом-алиқдан нарига ўтишмаган. Лекин Рустам Фаррух ҳақида кўп эшитарди. Бой оиладанлиги сабабли у яхши кийинар, «Jeep» маркали машинасида кун бўйи кўча санғирди. Поччаси ректорнинг биринчи ўринбосари бўлганлиги учун дарсларда деярли қатнашмаслиги унга ҳеч қандай муаммо тугдирмасди.

— Раҳмат, яхши. Ўзинг қалайсан, имтиҳонлар бўлаётими?

— Билмайман, қўйсанг-чи шу имтиҳонларни. Ўқишни ўйласам бошим оғрийд. Юр, ундан кўра бир биллиард ўйнаймиз, кизчаем кутиб қолди. Қалай, зўрми? Кеча танишдим. Исми Марина, ҳозир таништириб қўяман.

Йигитлар ўринларидан туриб, биллиард столи томон юришди. Фаррух уларни таништиргач, Марина Рустамга маъноли боқиб:

— Ўқишларингиздаги йигитларнинг ҳаммаси сизлардек чиройлими? — деди-ю, негадир Фаррухга кўзини қисиб қўйди.

Енгилтабиат қизлар сингари Марина ҳам йигитлар билан муомала қилишни яхши биларди.

— Йўқ, фақат бизлар шунақамиз, — мақтанди Фаррух ва Рустамга пиво узатди, — ол, муздақина, зўр кетади.

Рустам гап орасида хавотирланаётган фандан кутулиб олганини айтди. Бу нарсани ювиш керак деб Фаррух унга иккинчи бокални узатди. Жазирама иссиқда иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам қизиган пўлатга сув куйгандек кетди.

Бироздан сўнг ўйиндан зериккан ширакайф йигитлар бошқа жойга бориб, маишатнинг давом эттиришга келишдилар. Марина дарҳол телефон орқали дугоналаридан бирини чақирди.

— Кетдик, ташқарига чиқиб, қаёққа боришимизни ўйлайлик, унчага Маринанинг дугонаси ҳам етиб келади, — деди Фаррух.

Кўчага чиқишлари билан унинг телефони жиринглади.

— Алло, эшитаман, Э-э, ака, қалайсиз, ишлар зўрми? Раҳмат, биз ҳам юрибмиз соянигизда. Хизмат, ака?.. Йўғ-э, қаерда? Ўша, ҳар доимги жойдами? Анави нарсадан борми? Бўлди, мен ярим соатдан кейин бир зўр ўртоғим билан етиб бораман.

Фаррух Рустамга қўли билан ҳаммаси зўр дегандек ишора қилди ва нарироқда, дарҳат соясиде сигарет чекиб турган Маринанинг олдига бориб, бир нарсаларни тушунтирди. Рустам Маринанинг юзларидан унинг ранжиганлигини тушунди. Фаррух тез-тез қадам ташлаб, Рустамнинг олдига келди.

— Машинадимсан? Мен машинани ремонтга берувдим. Сурдик, бизни маишатнинг зўри кутаяпти. Акалар қақриб қолишди.

— Қизлар қоладими? Қаерга ўзи, нотаниш жойда ноқулай бўлмасмикан?

Рустамнинг боргиси келмаётганидан.

— Э-э, йўлда тушунтириб бераман. Ўтирсанг-чи машинангга, у ерда ундан зўр қизлар бор. Ҳеч қанақа ноқулай жойи йўқ. Ҳозир «Дархон» тарафга юр.

Йигитлар йўлга чиқишлари билан Фаррух сигарет тутатиб гап бошлади:

— Қобил исмли битта мировой акам бор.

Ҳозир шуниқига борамиз. Танишиб оласан. Ҳеч қаерда ишламайди, лекин ҳовузини пулларига тўлдириб чўмилса бўлади. Ҳар куни маишат. У ердаги қизлар шунақангиз зўрки, чет эл киноларидаям унақаларини кўрмагансан. Қойил қоламан-да шунақаларга. Бугун ҳам бир мазза қиладиган бўлдик.

— Нима, у акам лотореядан каттароқ пул ютиб олганми ёки бирор миллионер қариндошидан мерос қолганми? Шунча пули...

— Роса зўр фойда қоладиган иши бор. Бир кун айтарман. Аввал сени ўзи билан таништириб қўй. Шу кўчага қайриламиз. Анави уйнинг олдида тўхтат.

Рустам машинани баланд пушти ранг уй яқинида тўхтатди. Дарвоза олдида «BMW» маркали қора машина турарди. Бу кўчалардан кўп ўтган бўлса-да, негадир бу ҳашаматли уйга ҳеч эътибор бермабди. Фаррух дарвоза кўнгиригини чалди.

Эшикни очган мўйловли киши Фаррух билан илқ сўрашди.

— Ўртоғинг билан пастга тушаверинглар, бассейни олдида ўтиришибди.

Фаррух ҳайрат билан дангиллама ҳовлини томоша қилаётган Рустамга қараб, «Қа-

Лола негадир айнан Рустамнинг олдига ўтирди.

Қобил ака қўлига қадаҳни олиб, Лолага қаради:

— Биз эндигина танишганимиз учун ичмоқчидик, сен ҳам биз биланми?

Лола хўл сочларини артаркан:

— Албатта. Ҳар доимгидек сиз биланман, қўйинг, — деди.

Ҳамма қўлига қадаҳини олганида Рустам узроҳлик қилди:

— Узр, мен ичолмайман. Боя Фаррух билан роса пивохўрлик қулувдик, аралаштирсам бўлмас...

— Ука, бу ерда пивога ўхшаган енгил ичимликлар ичилмайди. Ҳатто Лола ҳам биз билан ичаяпти. Бу мазанги қочирадиган, кўчадаги қаланги-қасангилар ичадиган коньякмас. Францияники, бир шишаси 50 доллар туради. Биринчисини биз билан ол, кейингиларига зўрлаш йўқ, — деди Гена қадаҳни тутқазиб.

Лола узукларга тўла нозик бармоқлари билан Рустамнинг сочларини силаб, «Мен учун ҳам ичолмайсанми?» деди.

Рустам Лоланинг шаҳло кўзларига қараб,

Юргунаникмас, буюрганники дейишди. Ҳечқиси йўқ, Лола учун дўстинг бир кунлик қизиқши. Эртадан яна ҳаракатингни бошла, балки сенинг ҳам кўнчанга байрам бўқолар, — дея Қобил ака билан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

...Меҳмондан қайтган Гулчеҳра опа эшик кулфлиги сабабли ўғлининг ҳали ҳам қайтмаганини тушунди. Уйга кириб соатга қараганида тўққиз бўлиб қолган эди. Битта-ю битта фарзандидан хавотирланган она Рустамга кўнгирик қилди.

— Қаердасан, болам?

Янги танишлари билан вақтичоғлик қилиб ўтирган Рустам кутилмаган кўнгирикдан эсанкираб қолди.

— Менми, ҳалиги, бир ўртоғимникида ўтирган Рустам кутилмаган кўнгирикдан эсанкираб қолди.

— Менми, ҳалиги, бир ўртоғимникида эртага наҳорда ош, шуниқиде сабзи тўғрардаман.

— Борадиган жойинг бор экан, бир оғиз айтиб қўйсанг бўлмайди? Хавотирдан юрагимни ҳовучлаб ўтиришимни билмасанг ҳам майлийд...

— Айтиш эсимдан чиқибди. Ойи, бугун кечроқ борсам керак, хавотир олманг.

— Кечроғинг қачон, неччиларда келмоқчисан?

— Билмасан. Ҳамма ўртоқларим шу ерда, балки эрталаб ошни ўтказиб борарман.

— Отангга кўнгирик қилиб қўй. Биласан-ку, кеч юришингни ёқтирмайди. Ишдан келса, мен ҳам сени деб гап эштаман.

— Майли, кўнгирик қиламан.

Отаси эрталабгача номаълум жойда қолишига рухсат бермаслигини яхши билган Рустам унга кўнгирик қилмади.

Дастурхон атрофидагилар бир-бирларига латифа айтиб ўтиришарди. Рустамнинг кўзлари Лолада, ҳаёлида эса фақат бир нарсани — тезроқ унинг уйига кетиши. Бир пайт Фаррух сўраб қолди:

— Қобил ака, анавиндан борми? Овқатдан олдин бир урайлик.

— Бор, Марат акангга айтсанг, янги келганидан беради. Бир кучини кўр-чи. Қанақалигини айтасан.

Фаррух чамаси бир-икки дақиқалардан сўнг қўлида ойна бўлаги ва қичкина қоғоз ўрами билан қайтди. Лоланинг олдига ўтириб, қоғоз ўрамадан озгина оч пушти рангдаги кукунни ойна устига тўқди. Бу жараёни бунгача фақат кинолардагина кўрган Рустам дўсти нима қилаётганини яхши тушунарди.

Фаррух ойна устидаги кукунни иккига ажратиб, битта қоғоз пулни ўраб, найча ҳолига келтирди ва у билан кукунни бирин-кетин бурнининг икки тешигига тортиди. Ундан кейин Гена ҳам шундай қилди. Навбат Лолага келди. У қизил рангга бўйланган узун тирноқлари билан кукундан шерикларига қараганда озроқ олина, бурнининг бир тарафи билан тортиб, ойна бўлаги ва қоғоз ўрамини Рустам томонга сурди.

Олдидаги нарсадан кўрқиб кетган Рустам:

— Мен бу нарсани ҳеч қачон қилмаганман. Йўғ-э, наркоман бўлқоламан, — деди.

Унинг ёш боладай қурқувидан ҳамма кулиб юборди. Қобил ака қойинган бўлди:


— Ука, кемага тушганнинг жони бир. Биз билан ўтирибсанми бир хил ўтиргин-да энди. Бир марта ҳидласанг, наркоман бўл қолмайсан.

Кўрқитиш аралаш қилинган таклифдан Рустам эсанкираб қолди. У ўзингиз-чи, ўзингиз нимага тортмаясиз демоқчи бўларди.

Қобил ака ўзи савдо қиладиган ажал уруғини бошқа «хамкасблари» сингари ҳеч қачон истеъмол қилмасди. Унинг зарарини, унга ружу қўйганларнинг тезда ноубуд бўлишини бу тоифадаги инсонлар жуда яхши билишарди.

Фаррух ўрнидан турди-да, кукундан ўзига тайёрлангандай Рустамга ҳам тайёрлаб берди. Героинни қабул қилган Рустамнинг ҳаяжони шунчалик кучли эдики, аввалига ҳеч нарсани сезмади. Бироздан сўнг кўз олдидаги олам чарқалак сингари айланар, унга фақат атрофидагиларнинг қаҳқаҳаси эшитилар, ўзи ҳам арзимас ҳазилларга ичак ўзи куларди.

(Давом келгуси сонда)



**А**  
**В**  
**Ф**

лай, зўрми?» — деди.

— Гап бўлиши мумкинмас. Бизни кутиб олган киши ким эди, ҳовлининг эгасими?

— А-а уми, у Марат ака. Қобил акамнинг ошпази. Шу ерда яшаб, ҳовлига қараб туради. Бу уй ижарага олинган. Ойига наҳд икки минг «кўки»-да тўланади. Офисга ўхшаган жой. Ишларни шу ерда ҳал қилишарди. Маишатлар ҳам кўпинча шу ерда бўлади.

Ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида икки киши ўтирарди. Фаррух аввал оқ-сарикдан келган тўлароқ кишига, кейин иккинчисига салом берди. Рустам оқ-сарикдан келган киши Қобил ака эканлигини англади. Мезбонлар билан сўрашиб, дастурхонга ўтиришди. Танишганларидан кейин Қобил ака:

— Гена, меҳмонларга қуй. Танишганимиз учун оламиз, — дея ёнида ўтирган кишига француз коньягини узатди.

Кўринишидан ўзбекка ўхшайдиган киши қадаҳларга ичимлик қуй туриб, гўё Рустамнинг кўнгилидагини билгандек, «Аслида исми мим Гайбулла, лекин ҳамма мени Гена деб чақиради», деди.

Шу пайт шалоплаган сувнинг овози барчанинг эътиборини бассейни томонга тортиди. Ундан қоп-қора сочлари елкасидан пастроққа тушган киз чиқиб, ўз чиройи билан Рустамни ром этди.

— Фаррухчик, қалайсан? Яхши келдингми?

— Раҳмат, яхши. Ўзингиз қалайсиз, Лола опа?

— Кўриб турганингдай зўрман. Дўстинг билан таништирмайсанми?

— Бу — Рустам. Бирга ўқиймиз.

Рустамнинг ҳаяжонланаётгани шундоқ сезилиб турарди. У Лола билан ўрнидан туриб сўрашди.

— О-о, мана ҳақиқий жентелмен.

ниманидир исботламоқчи бўлгандай қадаҳдаги коньякни бир кўтаришда ичиб юборди.

— Мана бу эркакнинг иши бўлди. Ма, ол, газагига зўр кетади, — Қобил ака столда кесиб қўйилган лимондан бир бўлагини узатди. Лимон бўлага томоқ қизигини босди. Ичи қизийётган Рустам қўйлагининг битта тугмасини ечиб қўйди. Унга қизиқиб қолган Лола қўлидан тутди:

— Иккинчи қадаҳдан олдин бассейнга тушиб чиқамиз, сув роса зўр, кетдик.

Рустам ўрнидан турганида чўмилиши кийими йўқлиги эсига тушди. Бу ҳақда оғиз очиб улгурмасидан Фаррух:

— Мен ҳозир ичкаридан чўмилиши кийими олиб чиқаман, — деди.

Маишатни хуш кўрувчи Қобил ака меҳмонлар учун ҳамма қулайликларни яратиб қўярди. Ичкарида кийимини алмаштириб чиққан Фаррух Рустамга ҳам янги чўмилиши кийимини узатди.

Лола бассейнда Рустам билан яқинроқ танишиб олди. Бундан у ҳам жуда хурсанд эди. Лекин Лола елкасига қўлини қўйиб турганидан хижолат бўлиб, тез-тез Қобил ака тарафга қараб кўярди.

— У менга хўжайин эмас. Сенга ҳам ҳеч нарсани қилмайди. Агар керак бўлса, ишончим комил, сен ҳам хохлаётган нарсани ҳозирок ичкарида қилишимиз мумкин. Лекин шошиб нима қилдик. Бу ердан чиқиб, мениқига борамиз. Танҳо қолсак, бизга ҳеч ким ҳалақат бермайди.

Лоланинг бу сўзларидан сўнг ўзини беамал оҳ қилган Рустам:

— Ҳозир кетсак бўлмайди? — деди.

— Шошиб нима қиласан. Барибир бугун сен меникисан. Мен эса сенки. Мен бугун шундай бўлишни хохлаялман.

Бу сўзлар Рустамнинг лабидан олинган бўса билан тугатилди. Лола Фаррухга улар учун коньяк қўйиб келишни буюрди. Доимо унга ёш болаларга муомала қилиб келган Лоланинг бугун дўсти билан қизиқиб қолгани Фаррухга ёқмади. Вазиятни тушуниб турган Гена дастурхондан ликопчага кесиб қўйилган меваларни ва коньякни олаётган Фаррухга:

— Ҳа, Лолани ўртоғинг «ўраб» қўйдими?



# КЎЗГУДАН

## SIRLI OLAM

Бу воқеа яқиндагина — 1997 йили Францияда содир бўлди. Беш юз йил аввал, жодугарларга қарши кураш авжига чиққан пайтда бу, балки, ўринли бўлар эди. Бироқ ақл-идрок тўла тантана қилган йигирманчи аср ўтиб борарди. Гап шундаки, антиквар буюмлар билан савдо қилувчилар матбуотчиларга мурожаат қилиб, асори-атика ишқибозларини рамкасига «Луи Арпо, 1743 йил» деб ёзилган кўзгунини ҳеч қачон сотиб олмадилари лозимлиги тўғрисида огоҳлантиришни сўрашди. Айтишларига қараганда, ушбу кўзгу бино бўлганидан бери қўлдан қўлга ўтиб юрар экан, камида 38 кишининг умрига зомин бўлган.

# УТҚАМАНАТ

бўлади». Орадан юз йил ўтиб француз олимлари ушбу масалани фаол муҳокама қилдилар. Масалан, Париж Фанлар академиясининг 1739 йилги ҳужжатларидан бирида кўйидагиларни ўқиш мумкин: «Бир қари кампир тиниқ кўзгуга яқинлашиб, унинг олдида қўл вақт турса, кўзгунинг ярамас ширасини сўриб олганини кўриш мумкин. Химиявий тадқиқотлар мазкур

«шира»нинг гоятда захарли эканлигини кўрсатди». Халқ орасидаги касал пайти кўзгуга яқинлашмаслик керак деган ирими баъзи тадқиқотчилар кўзгунинг айна шу хусусияти билан изоҳлайдилар. Айтишларича, нафақат касал пайти, балки кайфият ёмонлигида ҳам кишининг териси ва нафасидан захарли моддалар ажралиб чиқар экан. Айнан шулар ойна юзига ўтириб қолади. Сўнгра бугунали, мазкур «захарли ойна»дан ким фойдаланса, унинг соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Ана шунча гаплар, аммо Арпо кўзгуси билан боғлиқ фожеаларнинг ҳеч қайсисига химиявий қолдиқларнинг алоқаси йўқ эди. Кўзгу, маълумки, сув билан яхши ювилади. Икки ярим аср мобайнида унинг бирон марта ҳам ювилмаганлигига ишониб қийин. Мабодо кўзгундан дайидир ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш хусусиятига эга бўлганида бошқа гап эди. Яъни, у хотирага эга бўлса...

Кўзгу — уйда содир бўлаётган ҳодисаларнинг тилсиз ва кўпична ёлғиз гувоҳидир. Унинг олдида гоҳ кулгули, гоҳ қайғули драма ва трагедиялар ўйналади. Баъзан ўйлаб қолсан киши, кўзгугар қачонлардир ўзида ақл этган ҳад-ҳисобсиз манзараларни намойиш қила олганларидега эди... Бундай «фильмлар»ни одамларга кўрсатиш мумкин бўлгандайди... Аминманки, бу фикр кўпчиликнинг кўнглидан ўтган.

Лекин ақли расо одам билади: ойнада ақл этган тасвир бошқасига ўрнини бўшатиб беравкан, ис-сиз йўқолади. «Кўзгу, — деб ёзади «Адабий кўзгу» китобида А.Вуллис, — айна пайтни ақл эттиради, ўтмишнинг ҳам, келажакнинг ҳам кўрсатмайди. Кўзгу — бу муҳассам амнезия. Ўтиб бораётган ва унутилаётган лаҳза, кумга синган сувдек йўқлик сари кетаётган манзара...»

Тан олиш керак, мен ҳам олдида юз бераётган ҳодисаларни кўзгу кинокамера сингари ўзига муҳрлаб олишига уналчи ишонмайман. Гарчи у ниманидир «эслашнинг» билсам-да. Лекин улар айнан нима ни эслайдилар?

Кўзгу визуал образларни сийм этолмайди. Унда сон-санқосиз тасвирлар устма-уст тушиб, олдингиларини ўчириб юборган бўлар эди. У бошқа буюмлар сингари эгаси

қайғули тарихи билан машҳур мазкур кўзгунинг йўқолганлиги со-тувчиларни шундай кутилмаган му-рожаат билан чиқишга ундади. Кри-миналистика профессори маъру-засида фойдаланиш учун кўзгунинг суратга туширишга рухсат сўрагач, унинг йўқолганлиги маълум бўлди. «Ушбу кўзгу 1910 йилда икки киши-нинг ҳалокатига сабаб бўлганидан бери полиция омиборида сақлаб ке-линаётган эди, — дейди антиквар буюмлар билан савдо қилувчилар-нинг Париж ассоциацияси раҳбари Эмиль Френе. — Бироқ уч йил бу-рун кимдир омиборга кириб, бир қанча буюмларни, жумладан, кўзгу-ни ҳам ўғирлаб кетди. Ўйлашимиз-ча, ўғри уни сотишга ҳаракат қила-ди. Шунинг учун ушбу кўзгу ҳақида-да ахборотни иложи борица аҳоли ўртасида кенгрок тарқатишга ҳара-кат қилаёلمиз. Токи харидор бор гапни билсин ва у ҳақда бирон маълумотга эга бўлган заҳоти по-лицияга хабар берсин».

Ўз вақтида кўзгунинг «қотиллик механизми» тўғрисида турли тах-минлар билдирилган эди.

Кимдир Луи Арпо кўзгуси ёруғ-лик нурини муайян даражада қай-тариб, мияга қон қуйилишига олиб келади деб ҳисоблаган. Кимдир эса ҳалокатга кўзгуда йиғилиб қол-ган салбий энергия сабаб бўлади деганди. Яна кимларнингдир фик-рига кўра эса, бу сеҳрли кўзгу во-ронка бўлиб, руҳни нариги дунёга олиб кетади. Бу ҳақда ягона фикр йўқ эди ва хануз йўқ. Бунинг устига қотил-кўзгу йўқолгандан кейин унинг сирини очиб янада қийин бўлиб қолди. Лекин сирли равиш-да юз берган ўлимларнинг сабабини очишга ҳаракатлар давом эт-моқда. Хотираларича, кўзгу маг-нитга ўхшаб юзига захарли буғлар-ни тартиб олиш хусусиятига эга бўлган. Хусусан, ўрта асрларнинг машҳур мистиги ва врачни Пара-цельс (1493-1541) бунга амин эди. Машҳур «Кўёш шаҳри» утопик аса-рининг муаллифи, италиялик фай-ласуф Томмазо Компанелла (1568-1639) ушбу мавзуда мулоҳаза юри-таркан, кўйидагича қайғули манза-рани тасвирлайди: «Ўзидан қони қочган, оғзи ва кўзидан бадбўй буғ чиқиб турган қари аёллар кўзгуга қараб унинг хира тортиганин, яъни, ўзларининг оғир нафасларидан тиниқ ва совуқ ойнада томчилар пайдо бўлганини кўрадилар. Улар-нинг сўлаги теккан мато эса чирий бошлайди. Агар бундай кампир билан бола бирга ухласа, унинг умри қисқаради, кампирники эса узаяди. Шундай қилиб бола ҳалок

сидаги ахборот нурлиниши, яъни, инсонга таъсир қилиши мумкин. Яқинда қилинган илмий кашфиёт кўзгунинг хотираси ҳақидаги тах-минларни тасдиқлайди. Гап Рос-сия Фанлар академияси Бошқару-ву муаммолари институти ходимлари — биология фанлари доктори П.Га-ряев ва техника фанлари номзоди Г.Тертишскийлар ўтказган тажри-ба натижасида кетмоқда. Тадқиқот жара-ёида улар мавзунинг учун ўша муҳим бўлган ҳодисага дуч келиш-ди. У тасодифан, ДНК молекуласи тарқатаётган биологик фаол ра-диоўткинларни ўрганиш пайтида аниқланди. ДНК намунасини лазер қурилмаси билан ташқи (совуқ) кўзгу орасига ўрнатилди. Тўғри-дан-тўғри чиқаятган ва ушбу кўзгу-да аксланаётган лазер нури генет-тик ахборот билан «тўйиниб», уни радиодиапазонда нурлантирарди — эфирга ДНКнинг радиоўткинлики спектри тарқаларди. Шунинг ўзиёқ улкан аҳамиятга эга кашфиётдир (унга асосланиб, Ерда ҳаёт фазо-даги турли ДНКлар спектрининг масофадан туриб нурлиниши оқибатида пайдо бўлган дейиш мумкин). Лекин энг қизиғи — ДНК препарати олиб қўйилса ҳам фазо-да ДНК спектри нурлинишида давом этгани бўлди. Бундай ажайиб ҳо-дисанинг сабаби дарҳол аниқланди: генетик ахборотни кўзгу «эслаб қолган», сўнг нурлантирган эди.


Кейинги тажрибалар кўзгудан бу ахборотнинг сақланиш муда-тини аниқлаш имконини берди. Иссиқ лазер кўзгугули ДНК-ахбо-ротни уч соат мобайнида «эсда тутар» экан. «Совуқ» (хона ҳаро-ратидаги) кўзгугуларда эса бу муддат юз баробар узоқ — уч ойдан кам эмас. Бу шов-шувли кашфиёт бўлса ҳам олимларни унча қувонтирма-ди. Гап шундаки, «кўзгу хотираси» улар учун кўпгаб кўнглисизликлар келтириб чиқаради. Кўзгуга «муҳр-ланган» эски генетик ахборотлар уларнинг кейинги тажрибаларни ўтказишлариға ҳалақит қилиши мумкин-да.

Табиики, тадқиқотчилар кўзгуга ахборот ёзилиб қолиш механизминини ойдинлаштиришга ҳаракат қилишади. Бу, биринчи-дан, тажриба ўтказилган-дан сўнг кўзгунини тазолаб ташлаш учун керак. Ик-кинчидан эса, бундан кейинги ишлар, мисол учун, генетик ахборот-ни узоқ вақт сақлаш учун зарур.

Маълум бўлдики, кўзгу генетик ахборотдан ташқа-ри инсоннинг шаҳди, ҳис-туй-ғулари, фикрлари изини ҳам «эслаб қолиш» хусусиятига эга экан. Бу руҳий кечинмалар жуда кучли бўлса, албатта. Кўзгуга яхши ёки ёмон ахборотнинг ёзилиши эса соҳибининг қандай киши бўлган-лигига боғлиқ. Умуман олганда, унга кўпична ёмон ахборотлар ёзилиб қолади. Дейлик, ҳаммамиз ўзимиз-ни тартибга олиш учун кўзгуга қараймиз. Сочимиз тўзгунинг, юзи-миз сўлгин бўлса, кийимларимиз ўзимизга унча мос тўшмаса, бу-ларнинг барини бирдан тўғрилаш-нинг иложини қилолмаймиз-да, бор-э деб қўл силтаб, нари кета-миз. Кўзгу эса «дардимизни» ўзига олганга қолаверади. Ва бир кун-мас-бир кун бу ўз мевасини бера-ди. Шу маънода, сеvimлик жамоаси ютқазиб қўйса, аламини бувиси-дан қолган эски тошойнадан ола-диган футбол мухлисларини тушу-ниш мумкиндир. Бу, албатта, ҳазил. Шунинг учун психологлар кўзгуга керагидан ортиқ қарамасликни, қараганда ҳам унга яхши кайфият ва табассум билан боқишни мас-лаҳат берадилар.

«Биз барча нарсаларда шахсия-тимиз аломатларини — кучли ахбо-рот-қувват изини қолдираемиз, — дейди биология фанлари доктори П.Гаряев. — Атрофимиздаги барча нарса — атмосфера, буюмлар, сув ва ҳаво шундай изларга тўла. Бу излар нафақат тирикларга, балки дўнбадан ўтиб кетган кишиларга ҳам тегишлидир».

Барча буюмлар хотирлаш хусу-сиятига эга экан, демак, кўзгу ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, сийм билан қумуш қотишмасидан тайёрланган кўзгу ахборотнинг «қони» ҳисобланади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, маълум бир шарт-шароитларда кўзгу хотира-



чил - чил бўлган дераза ойнаси парчала-ри борлиги маълум бўлди. Иккин-чисида эса археологлар Вифлеем-дан топган қадимки Рим тангалари ётарди.

Бошқа мамлакатларда ҳам буюмлар хотирасини ўқиб оладиган фикрлар бор. Улар кийимнинг бир парчаси ёки тугмага қараб жиноят-чининг ташқи қиёфасини, ҳозир қаерда турганлигини аниқлаб, тер-говчиларга ёрдам беришади. Бун-дай фактлар кўп. Улар қатъий ҳуж-жатлаштирилган ва табиийки, олимларда улкан қизиқиш уйғота-ди.

«Биз барча нарсаларда шахсия-тимиз аломатларини — кучли ахбо-рот-қувват изини қолдираемиз, — дейди биология фанлари доктори П.Гаряев. — Атрофимиздаги барча нарса — атмосфера, буюмлар, сув ва ҳаво шундай изларга тўла. Бу излар нафақат тирикларга, балки дўнбадан ўтиб кетган кишиларга ҳам тегишлидир».

Барча буюмлар хотирлаш хусу-сиятига эга экан, демак, кўзгу ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, сийм билан қумуш қотишмасидан тайёрланган кўзгу ахборотнинг «қони» ҳисобланади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, маълум бир шарт-шароитларда кўзгу хотира-

# HUQUQ

## YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:  
O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va  
Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:  
Abduxoliq  
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:  
Bahridin Valiyev,  
Dilshod Isломov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir Sharofboyev  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Hasan Inoyatov,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo'ntasida №00150 raqam  
bilan ro'yatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 133-82-34.  
Reklama va e'lonlar:  
133-82-34  
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariға  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyat-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida ofset usulida A-3  
formatda chop etildi.  
Korxonani manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 332  
Nusxasi — 15677  
Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi  
Navbatchi muharrir:  
N.LUTFULLAYEVA  
Musahhih: F.MAMASHARIPOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8  
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 18.00

Хориж матбуоти материаллари  
асосида  
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

**G'AFUR G'ULOM TAVALLUDINING 100 YILLIGI OLDDAN**

Ўзбек адiblари орасида буюк шоир ва мутафаккир, академик Гафур Фулом ахлоҳида ўрин тутади. Унинг юзлаб асарлари халқимизнинг ҳақиқий бойлигига айланиб, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Гафур Фуломнинг халқимиз маданий ҳаётини юксалтиришга кўшган ҳиссаси ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Шу кунларда Гафур Фулом ҳаёт бўлганида 100 ёшни қаршилаган бўларди. Катта сана...

Элсевар, ёру биродарлари ижодига ўта зийраклик билан қаровчи шоирнинг номини халқимиз ҳамон эъзозлаб келади. Юбилей арафасида Гафур Фулом уй-музейига бориб, у ерда жуда катта тайёргарлик кўрилатганлигининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ўқувчи ва зиёлиларнинг бетўхтов ташрифи хонадонга ўзгача фойиз бериб турибди. Фурсатдан фойдаланиб, шоирнинг қизи, Гафур Фулом уй-музейи-нинг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Олмос опа Аҳмедова билан суҳбатлашдик.

— Олмос опа, Гафур Фуломнинг ижодига назар ташлаб, унинг дўст-эърига эътибори ва меҳмондўст бўлганини сезиш мумкин.

— Шу ўринда тўрт мисра мисол келтирсам:

Гафур Фулом қилмигини биласиз,  
Адресимдир Ўзбекистон,  
шубҳасиз,  
Қисталанг гап, бизликка

келасиз,  
Ташриф этиб, мени хурсанд қиласиз,  
Бахт уйида тунаб ўтинг,  
дўстларим.

— Албатта, уйимиз бир дарё эди, боғимиз чаман, дастурхонимиз тўкин, давра гавжум эди... Мен хонадонимиздаги самимийликни тиниқ чашмага қиёслаймам, киши ундан симиргани билан чанқоғи қонмайди, яна ва яна ичгиси келаверади.

Дадам билан мулоқот қилган одам, албатта, бошқача бир тасавурда бўларди. У зот гўдақлардек соф, содда, зукко, донишманд, ҳазилқаш, инсонпарвар киши эди. Бировнинг орқасидан гапирмас, уйлаганини дангал сўзлайдиганлардан бўлгани учун ҳам барчага баробар, қадрдон дўст эди. Уйимизга келган бирор одам ранжиб, кўнгли тўлмай кетганини эслай олмаيمان. Бизни ҳам доим меҳмондўстлик тартиб-қоидаларига ўргатиб келарди. «Меҳмонни очик чеҳра билан кутиб олиш жуда муҳим» деб такрорлардилар.

Дўстлар учун дарвозамиз ланг очик,

Бошимизга гул япроғидан сочик.  
Уйимиз ҳар доим дўстлар, ижодкорлар билан гавжум эди. Уларнинг ижодидаги янгиликлардан биринчи бўлиб биз баҳраманд бўлардик.

Дадам ўзига ёқиб қолган куйини ўзи дутор чертиб, ҳиргойи қилиб кўярди. Уйимизга Юнус ака, Ортиқхўжа ака, Жўраҳон акалар кўп келиб туришарди. Ё ўзлари меҳмон бўлишар ёки меҳмон келса, айтириб келинардди.

**TABASSUM**

Ўғил онасига деди:  
— Мен бундан кейин умуман мактабга бормайман!  
— Нега энди?  
— Э, қайси бирини айтмай?! Эшматов роғатқадан отади, Тошматов дарслик билан бошимга тушириб қолади, Дўстматов эса оёғимдан чалади...

— Йўқ, Хусанбой, боришинг шарт. Биринчидан, ёшинг қирққа яқинлашди, иккинчидан сен мактаб директорисан, ахир.

Шаҳарлик меҳмон подачидан сўради:  
— Бу сизгир неча ёшга кирган?  
— Икки ёшга.  
— Қониворларнинг ёшини қандай қилиб билса бўлади?  
— Шохига қараб.  
— Ҳа-а, тушундим... Мен бу си-

— Отангизни йўқлаб ёзувчи-шоирлар, ҳофизлар, шеър ихлосмандлари тез-тез келиб туришини айтиш ўтдингиз. Шулар орасида нафақат меҳмон, балки қадрдон дўст бўлганлари ҳам бормиди? Умуман, у кишининг дўстликка муносабати қандай эди?

— Дадам дўстликини жуда қадр-

кан арбоблари — Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзодалар билан ҳам жуда қадрдон эди. Дадам «Қадрдон дўстимнинг юбилейи», «Ойбек ёзувчи ва олим», «Менинг ярим асрилик дўстим», «Абдурахим Ғайратий деган ўртоғим тўғрисида», «Аброр Ҳидоятлов» каби кўплаб мақолаларида бу аллома билан бирга шахсий муносабатлари ҳақида ҳам тўлқинланиб ёзарди: «Тошкентда Ҳадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб, оёқлари ярим километрли паргори кўйиб бор доира чизсангиз, эски Қўрғонтеги, Қўғирмоқ, Дегрез, Говқуш ва Девонбеги маҳаллаларини ичига олган доира ҳосил бўлади. Шу маҳаллада Ойбек (Муса), Зиё Саид, Ойдин опа, Ғайратий (Абдурахим), академик, фан доктори Асқаров, фан доктори Нажмидинов, Аброр Ҳидоятлов, мен ва бошқалар тутилганми...».

Эсимда, дадам бир неча марта ўша

уларнинг меҳнати ҳақида публицистик мақолалар ёзишган. Ҳамид Олимжон вафот этганида дадам кўп ғам чекиб, бир йилгача бу аччиқ ҳақиқатга ишонолмай юрди. Бир йилдан кейингина ҳижрон аламлари, қалб фарёдлари сингдирилган сатрлар битди:

Бир йил бўлибдирки,  
ҳар кун сахарда  
Марсиянг айтмакка  
қалам йўнаман.  
Аммо айт-чи, Ҳамид,  
тирик сўз билан  
Қандай сени ўлади деб  
айта оламан!..

Дадам бу фожевани йигирма йиллигига атаб «Ҳамидни эслаб»



# ТОНГОТАР ЧОФИДА ЖУДА СОФИНИБ...

ларди. У киши таниқли ёзувчилар билан ҳам, эндигина ёзишни бошлаган қаламқашлар билан ҳам бирдек дўстона муносабатда бўларди. Дадамага тенгдош, суҳбатдош одамлар билан гаплашиб қолсангиз, албатта, у кишининг ўзига хос бетақорор бирор фазилатини билиб оласиз.

Дадам улуг ёзувчи Садриддин Айнийни устоз деб билган. Абулқосим Лоҳутий, Усмон Носир, Хусайн Шамс ва бошқалар билан дўст бўлганини эшитганми. Уйимизга келган кўпгина адиллар — Михаил Светлов, Николай Тихонов, Георгий Леонидзе, Самад Вургун, Берди Кербобоев, Мустай Карим, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатовларни яхши биламан.

У кишининг Ҳабибни, Собир Абдулло, Ғайратий, Миртемир каби адиллар билан қалин дўст бўлгани кўпчиликка аён.

Дадам ўзбек адабиётининг ул-

ёшлик йилларида бирга ўсган, бирга хизмат қилган дўстларидан ҳар бирининг ҳаёт йўлини, меҳнат туйғайли эришган ютуқларини эслаб, бир асар ёзмоқчи эди, афсуски, насиб қилмади.

Дадам Ойбек домла билан мамлакатимизнинг жуда кўп шахар ва қишлоқларига бир неча бор сафар қилишган. Улар бирга юришни, ҳамсуҳбат бўлишни яхши кўришар, шунинг учун, Уртаер денгизи бўйлаб сафарга ҳам бирга боришган эди.

Дадам дарров аскияга ўтарди, шунда Ойбек домла:  
— Вой Гафур-ёй, яхши, — деб кўлларини ёзиб, роса куларди.

Дадам Ҳамид Олимжон билан биринчи марта Самарқандда танишган экан. Ўша пайтда уларнинг бири ўқир, бири газетда ишларди. Қалин дўст бўлиб кетишибди. Шойр билан дадам Катта Фарғона канали қурилишида бирга бўлишган, меҳнатқашларга шеърлар ўқиб,

номли хотира ёзган. Бу эсдалик — икки шоирнинг ҳаяжонга тўла йигитлик чоғларининг лавҳалари — оддий ва гўзал сўзлар билан ифодаланган.

Дўстлик — бетақорор туйғу. Шу дўстлик туйғайли булса керак, Мақсуд Шайхзода дадам вафотидан кейин «Гафурга қаби» деган шеър ёзган. Шайхзода билан дадам 1928 йилда, у киши Озарбайжондан Тошкентга келганида танишиб, дўстлашиб қолишган экан. Ўшанда Шайхзода Сокина опамага уйланган, уларни тўғри бизнинг уйга олиб келган экан. Шундан бери улар бизнинг ўз тугишганларимиздек — Шайх амаки, Сокина холаминг бўлиб қолишган.

Онамнинг айтишича, Шайх амаки дадамини яхши тушунадиган, дилқаш, ҳамфикр, ҳазилқаш дўст экан. Эсимда, ё учинчи, ё тўртинчи синфда ўқир эдим. Дадам ми столда қора қаламининг учини ўтқир

чуст пичоғида чиқараётган эди. Мен ёндағи курсида ўтириб дарс тайёрлардим. Дадам дафтарим ичидаги босма қоғозни олди-да, беш-олтига учи ўткирланган қаламни бир қилиб, айлана чизди. Худди кўзичоқнинг жингалағидек расм пайдо бўлди. Сўнг қош, лаб, бурун, кўзойнак расмини солиб тағига «Менинг дўстим Шайх!» деб ёзиб қўйди. Кейин: «Шу шўх амакингни соғиндим», — дедилар. Мен шунда: «Бўлмаса, уларни қуришга борайлик», — дедим. Дадам мени эркалаб, кулиб қўйди.

Дадамининг чет эллик ёзувчилар — Гурбахш Сингх, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Ленгстон Хьюз, Файз Аҳмад Файз билан унутилмас учрашувларини эсласам, дўстларини жуда қадрлаганларига амин бўламан.

— Олмос опа, Гафур Фулом ҳақида «Нон ўрнига китоб тоғларди» деган гапни эшитганман.

— Дадам билан ҳамсуҳбат бўлган киши беихтиёр тингловчига айлана қоларди. Дадамининг энг яхши суҳбатдоши китоб эди. Газета-журналлардан тортиб, бадий адабиёт, тарих, фалсафа асарлари ҳам, химия, физика, биология, ҳатто медицина ҳам у кишини қизиқтирарди. Дадам форс, араб, турк тилини яхши билар, шу тилларда ижод этган шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб беради.

Гафур Фулом тинмай мутолаа қилар эди. Чой ичиб ўтирганида, дам олиб ётганида, поездда кетаётиб ҳам китоб ўқирди. Ётоқхоналаридаги хонтахта устида узоқ тунда ўқийи учун ҳар хил китоблар турарди. Иш столининг устида Бедилнинг қизил чарм муқовали «Куллиети Бедил» китоби турган.

Тонготар чоғида жуда соғиниб Бедил ўқир эдим, чиқиб офтоб. Лоёққа ҳаёлотлар чашмадай

тинди,  
Пок-покиза юрак бир қатра

симоб...  
Бедилга хурмати, меҳри шунчалик эдики, пировардида у улуг зот номини укамга қўйганлар.

Дадамининг улуг шоир Алишер Навоий ижодига хурмати, ихлоси кечкиз эди. Шоирнинг қанчадан-қанча байт, рубойи, ғазалларини ёддан биларди. 1964 йилда Алишер Навоий қабрини зиёрат қилиш орзуси ушалди. Ҳиротда ёзилган «Алишер Навоий қабри устида» шеърининг биринчи ўқувчилари биз бўлганми. Дадамининг яхши одадларидан яна бири шуки, ўқиган китобининг ўзига ёққан жойига кичик қоғозга мулоҳазасини ёзиб, қистириб кўяр эди.

Дадамдан олдин бирор шоир китобни офтобга қофия қилганми-йўқми, билмайман-у, лекин китобни бу қадар улуғлаган инсонни бошқа кўрмадим.

«HUQUQ» муҳбири  
Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА  
суҳбатлашди

**BU AJIB DUNYO**

**ЧАРЧАСАНГИЗ  
АТИРГУЛ ҲИДАНГ**

Токионинг «Касима» қурилш компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган ҳар бир хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб турадиган қурилма ўрнатди. У вақтга қараб хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартириб туради. Жумладан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийраклик бағишлайди, демек ишчилар зўр иштиёқ билан ишлашади. Ташлик пайтда эса улар атиргул ҳидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрича, атиргул ҳиди чарқоқни қолдиради.

Бразилиянинг шимолӣ-шарқидаги қурғоқчил ўрмонларда ажойиб ўсимлик ўсади. Унинг номи жазу. Унда бир вақтнинг ўзида ҳам ёнғоқ, ҳам олма пишади. Таваба, чиндан ҳам гаройиб-а! Дарахт кўпам катта эмас: бўйи 10-12 метр. Бирок ҳосили тузуқкина: мавсумда бир туп дарахтдан 10-12 килограмм ёнғоқ, 30 килограмм атрофида олма ўзиб олинади. Дарвоқе, туб аҳоли унинг майдаланган барги билан тишларини тозалашади.



**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Республика Бош прокуратураси жамоаси Наманган вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи

Абдуқаҳҳор ЭРҒАШЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий прокуратурининг биринчи ўринбосари Шўҳрат Узоқовга волидан муҳтарамаси

ҲАЛИМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси Хатирчи туман прокурори Салом Самадовга отаси

ИСМАТ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.